

"Марказий Осиёда оммавиј ахборот өсүтшлери орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси өн ҳуқуқ ҳимояси таълими" лойиҳаси

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Май 2011 йил

Хар чоракда чиқадиган ахборот-таҳлилий бюллетени

ЯКУНИЙ
СОН



Европа Комиссияси



Норвегия Ташкы ишлар вазирлиги



Уруш ва тинчликни ёритиш институти

МУҲТАРАМ МУШТАРИЙ!



*Ҳақиқат одамларда уни қидириш учун
эркинлик бўлган тақдирдагина топилади*

Франклин Делано Рузвельт

Инсон ҳуқуқлари бузилиши дунё каби қадимийдир. Боз устига, турли жамиятларда қонунбузарлик меъёр ёки маданий анъананинг бир қисми ҳисобланishi мумкин.

Ростини айтсам, IWPRнинг Марказий Осиёдаги жамоаси учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш лойиҳаси ўзига яраша пухталикни текшириш бўлди. Аввал биз ҳеч қачон ҳуқуқбонлик мавзусига бу қадар чукур киришмагандик. Тўғри, биз аввал ҳам инсон ҳуқуқлари ҳақида мақолалар ёзардик, аммо бу масалалар бўйича давра сұхбатлари, семинарлар, маърузалар, нодавлат ташкилотлари ва оммавий аҳборот воситалари ўтасида алоқолар бўйича тренинглар ташкил қилмагандик... Бунинг устига, бутун Марказий Осиё минтақаси доирасида бунчалик кўп ҳуқуқ ҳимоячилари билан ўзаро ҳамкорлик қилмагандик. Улар ўз ҳаётларини умуминсоний қадриятлар учун курашга багишлаган, лоқайд бўлмаган ва довюрак инсонлардир. Улар орасида бошбошдоқлик ва қонунсизликдан азият чекканлар ҳам, вазиятга ижобий таъсир ўтказа олиш салоҳиятига эга бўлганлар ҳам бор. Мазкур лойиҳа доирасида биз нодавлат ташкилотлари, давлат тузилмалари ва киллари, кўплаб соҳаларни яхши тушунадиган эксперталар, журналистлар ва оддий одамлар билан ишладик.

Такрор айтаман, биз, IWPR ходимлари юрист ҳам, ҳуқуқшунос ҳам эмасмиз, аммо биз ўз олдимизга ҳуқуқ ҳимоячилари (уларнинг соҳа бўйича билимлари, қонунларни лоббилаш ва жамоат кампанияларни ўтказиш тажрибалари) ва журналистларни (ахборотни аҳолининг барча қатламларига етказа оладиган) бирлаштириш каби катта мақсадни кўйдик. Лойиҳа бошланмасдан аввал биз ўтказган эҳтиёкларни баҳолаш кўпроқ самарадорликка эришиш учун иккала тарафга ҳам айнан шу “кўприк” етишмаётганини кўрсатди. Ҳуқуқ ҳимоячилари кенг аудитория билан у тушунадиган тилда қандай қилиб гаплашиш кераклигини ҳар доим ҳам тушунавермайдилар, журналистлар эса баъзан ҳуқуқ муҳофазаси масалаларини у қадар чукур билмайдилар.

Бундан ташқари, биз минтақанинг ҳар бир мамлакати учун кўпроқ муаммоли ҳисобланган жиҳатларни аниқлаб чиқдик ва муайян натижага эришишни мақсад қилиб ишладик – кампанияни минтақавий марказлардан бошлаб, сўнг эътиборни мамлакатлар пойтахтларига қаратиб, кейин эса ҳудудий даражага ўта бошладик, бу муаммолар ҳақида энг юқори даражада бонг ура бошладик. Пировардида лойиҳа ишга тушганидан икки йил ўтгач, биз минтақа даражасида норасмий ҳамкорлик тармоғини барпо қилишга ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эришдик.

IWPR ўзига хослиги мамлакат хусусиятини ҳисобга олган ҳолда минтақани қамраб олишда акс этади. Биз Қозогистон, Қирғизистон ва Тоҷикистоннинг турли бурчакларида бўлиб қайтдик. Шунингдек, биз қарийб имконсиз

ишни амалга оширидик: тажриба алмashiш ва минтақавий баҳсларда иштирок этиш учун ўз тадбирларимизга Ўзбекистон ва Туркманистондан ҳамкасларимизни, чет элда яшайдиган дисидентларни таклиф қилдик.

Албатта, биз ўз ишининг усталари бўлган ҳамкор ташкилотлариз мақсадимизга эриша олмасдик. Мен биз билан бирга ишлаган, ўз билимлари билан ўртоқлашган, кўллаб-куватлаган ва бир-бирига ўзаро ишонч билдириган барча кишиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳамкасларимга сабр-тоқати учун ташаккур билдираман. Ўз-ўзини танқид қила билиш, перфекционизм ва ваколатларни аниқ тақсимлаш ўтган икки йил мобайнида бизнинг содик йўлдошимиз бўлди. Ҳозирги пайтда бизда бўлган команда руҳига осонликча эришганимиз йўқ. Ҳар биримиздаги ғайрат ва рағбат тадбирларни юқори даражада ўтказишмизга ёрдам берди. Бу вақт оралиғида биз ҳамкорларимиз билан бирга ўсдик.

Биз ўтказган тренинглар иштирокчиларининг ижтимоий тармокларда тадбирларимиз ҳақида қолдириган ижобий мулоҳазаларини ўқиш мен учун ёқимли. Қачонлардир биз ўқитган кишилар ўзлари ҳам тренерга айланмоқдалар, юқори давлат лавозимларини эгалламоқдалар, таълим олиш учун хорижий ўлкаларга кетмоқдалар... Мавзуларнинг қийинлиги ва муҳаррирларимизнинг талабчанлигига қарамай, биз учун мақолалар ёзиб, халқаро аудиторияга чиқиш истагида бўлганлар сони камаймаётгани ҳам кишини хурсанд қиласди.

Бу лойиҳа биз, минтақада яшаётган аҳоли ўтасида умумий жиҳатлар кўплигини яна бир бор исботлаб берди. Биз бирга йигилган пайтимизда бир-бirimizni оғзимизни очар-очмас тушунишимиз мумкин. У ёки бу жиҳатларни қизғин муҳокама қилаётган пайтда ким қаердан келганини, ким амалдору ким нодавлат ташкилотидан эканини сезмай ҳам қолиш мумкин. Бунда барча чегаралар сунъийга айланади... Марказий Осиёдаги бизнинг одамлар эркесвар, хайриҳоҳ ва меҳмондўстирлар. Мен буларнинг барчаси ана шундайлигича қолишини истардим.

Яна бир тилак – шундай ишлайликки, келажакда фарзандларимиз бугун қилган ишларимиз учун биздан миннатдор бўлсинлар. Аминманки, биз барча анъаналаримиз, маданиятимиз ва зеҳниятимизни замонавий дунё воқелигидан келиб чиқсан ҳолда, ўзимизда бўлган энг қимматли нарсадан ҳар биримиз ва келажак авлод фаронлиги йўлида фойдаланиш учун ўзгартира оламиз.


Ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича лойиҳамизнинг биринчи босқичи ниҳоясига етмоқда. Оддинда бизни кўплаб янгилик ва умид қиласмизки, донорларимиз томонидан маъқулланажак иккинчи босқич билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасига янада теранроқ шўнгыш кутаятти. Учрашунчага, қадрли дўстлар!

Хурмат билан Абахон Султонназаров

ЕС/НОРВЕГИЯ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН “МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ВА ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИ ТАЪЛИМИ” ЛОЙИХАСИ БҮЙИЧА IWPR ФАОЛИЯТИ

Лойиҳани амалга ошириш муддати: 2009 йил март ойи – 2011 йил март ойи


IWPRнинг Марказий Осиёдаги асосий тадбирлари жўғрофияси



Воқеалар хронологияси


2008	Январь		Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва Habeas Corpus институтининг жорий қилиниши.
2008	Декабрь		Туркманистонда парламент сайловлари.
2008-2010			Ўзбекистонда журналистларнинг ҳибса олиниши.
2009	10 Июль		Қозоғистонда Интернет-ресурслари оммавий ахборот воситаларига тенглаштирган Қонун имзоланди.
2009	Сентябрь		Туркманистонда илк бор журналистика факультетларининг очилиши.
2009	Декабрь		Кирғизистонлик журналистларга бўлган бир неча тажовуз ва Г. Павлюкнинг ўлдирилиши.
2008	Сентябрь		Туркманистонда янги конституция қабул қилинди.
2008			Кирғизистон ва Тожикистонда энергетик инқиroz.
2009	25 Март		Тожикистонда дин тўғрисида янги қонун – Марказий Осиёдаги энг аёвсиз қонун қабул қилинди.
2009	23 Июль		Кирғизистондаги президент сайловларида К.Бакиев ғолиб чиқди.
2009	Октябрь		Андижон воқеаларидан сўнг Ўзбекистонга қарши санкцияларнинг бекор қилиниши.
2009			Тожикистонда дабдабали тантан ва маросимларни ўтказиш таъкиянганидан сўнг миллиард доллар тежанди.

Лойиҳа амалга оширилган икки йил мобайнида мамлакатлар бўйича мақолалар миқдори



Қозогистон
Қирғизистон
Тоҷикистон
Ўзбекистон
Туркманистон
Минтақалараро
Жами

Лойиҳа амалга оширилган икки йил мобайнида мақолалар мавзуларининг фоиз нисбати



Қўйноқлар, ноқонуний ҳибса олиш ва адолатли судловга бўлган ҳуқук
Сиёсий кураш, жумладан, пировардида ҳукумат алмасиши
Миллатлараро зиддият ва этник озчиликлар ҳуқуклари
Сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги
Маҳбуслар ҳуқуқлари ва ўлим жазоси
Рўйхатга олинмаган никоҳдаги аёллар ҳуқуқлари, оиласдаги зўравонлик
Ҳаракатланиш эркинлиги, қочқинлар ва меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқлари
Болалар ҳақ-ҳуқуқлари ва болалар меҳнати
Сайлаш ҳуқуқи ва янги Конституция масалалари
Диний ҳуқуқлар
Уй-жой, озиқ-овқат, тиббий хизматга эга бўлиш имконияти (ер эгаллаб олувчилар)
Соғлом бўлиш ҳуқуқи ва ОИТВ/ОИТС масаласи
Таълим олишга бўлган имконият
Имкониятлари чекланган инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари
Одам савдоси
Нафақахўрлар ҳақ-ҳуқуқлари

Босма нашр



48 минтақадаги 48 журналист ҳуқуқ муҳофазаси мавзусида IWPR сайти учун доимий равища мақолалар ёзди.

IWPR кўшма тадбирлар ўтказиб турадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи 109 нодавлат ташкилоти, минтақанинг беш мамлакатидаги 43 ҳамкор ташкилот IWPR тадбирлари Марказий Осиёнинг 15 оммавий ахборот воситасида ўтказилди. икки йил мобайнида IWPR сайтидаги Central Asia бўлимига 500.000 зиёд ноёб фойдаланувчи ташриф буюрди (уларнинг 41 фоизи инглиз тилидаги, 44 фоизи рус тилидаги, 15 фоизи эса маҳаллий тилларда саҳифаларга ташриф буюрган)





Асосий

Профиль

Дўстларни қидириш

Форум

IWPR МИНТАҚАВИЙ ТАДБИРЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРМОГИ

Излаш www.iwpr.net

Қидириш



**Сергей
Наумов**
NBCA
медиаэксперт



**Давлат
Назрий**
Тоҷикистон
республикаси Ташки
ишлар вазирлигининг
аҳборот бошқармаси
бошлиги



Логин
Қўпия сөз
Жўнатиш

Сайтда рўйхатдан ўтиш!
Паролни унутдингизми?



**Юрий
Гусаков**
Инсон хукуклари ва қо-
нунчиликка риоя килиш
бўйича Қозогистон хал-
қаро бюросининг Қара-
ганда вилоят филиали
директори



**Динара
Ошурахунова**
“Демократия ва
фуқаролик жамияти
учун” коалицияси
раҳбари



**Нуриддин
Қаршибоев**
Тоҷикистон мустақил
оммавий аҳборот
воситалари Миллӣ
Ассоциацияси медиа-
хукуки муҳофазаси
ташкипоти раҳбари



**Абдумўмин
Мамароимов**
Қирғизистон республикаси
Марказий сайлов комиссияси
аъзоси, «Voice of Freedom»
жамоати жамғармаси бошқарув
хайъати раиси, «Голос свободы»
газетаси муҳаррири



**Мурат
Абенов**
Қозогистон
республикаси
парламенти кўни
палатаси депутати



**Алена
Аминова**
мустақил
журналист



**Наргис
Зокирова**
Тоҷикистон
республикаси Инсон
хукуклари ва
конунчиликка риоя
килиш бюроси
директори



**Сардар
Багишбеков**
«Голос свободы»
жамоатчилик
жамғармаси
раҳбари



**Адил
Нурмақов**
«Global Voices
Online»нинг Марказий
Осиё бўйича
мintaқавий
муҳаррири



**Вячеслав
Абрамов**
Freedom House
ташкилотининг
Қозогистондаги
ваколатхонаси
директори



**Василий
Марков**
мустақил
журналист



**Сурат
Икромов**
Ўзбекистон мустақил
хукук химоячилари
ташаббус гурӯҳи
раҳбари



**Гулжамол
Султоналиева**
«Дўйур эли» жамоат-
чиллик бирлашмаси раҳ-
бари, Қирғизистон рес-
публикаси Инсон хуку-
лари кенгаши раҳбари
вазифасини бажарувчи




**Улугбек
Бобоқулов**
“МҚ-Азия”
бош муҳаррири



**Бектур
Искендер**
Koop Media
яңгилликлар ва
платформаси
хаммуассиси ва
муҳаррири



**Муҳаммади
Ибодов**
Тоҷикистон республикаси
“Интернет сиёсати
фуқаролик ташаббуси”
жамоатчилик
бирлашмасининг ижро
директори



**Вячеслав
Мамедов**
Туркманистон
фуқаролик
демократик
иуюмаси етакчиси,
Нидерландия



**Алла
Куватова**
Гендер тенглиги ва аёл-
ларга нисбатан зўравон-
лини бартароф этиш
нодавлат ташкилотлари
ассоциацияси ижро
директори



**Андрей
Гришин**
Инсон хукуклари ва
конунчиликка риоя
килиш бўйича
Қозогистон халқаро
бюроси муҳаррири



**Тошпўлат
Йўлдошев**
ўзбекистонлик
мустақил
сиёсатчуси,
АҚШ

УШБУ СОНДА:

- 5 **ЛОЙИХА ЯНГИЛИКЛАРИ**
- 7 **ДАВРА СУХБАТЛАРИ**
- 11 **МАХСУС ТАДБИРЛАР:**
- 11 Журналистлар ва ҳуқук химоячилари учун журналистик кўрик-тандлов ва адабиётлар нашр этилиши
- 12 Журналистлар ва ҳуқук химоячилари учун адабиётлар нашр этилиши
- 14 **ЛОЙИХАНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛЛАРИ**
- 14 Қозоғистон
- 16 Қирғизистон
- 18 Тожикистон
- 20 Ўзбекистон
- 22 Туркманистон
- 24 **ТРЕНИНГЛАР**
- 27 **ЯНГИ МАҚОЛАЛАР**
- 27 Қозоғистон
- 30 Қирғизистон
- 34 Тожикистон
- 36 Ўзбекистон
- 38 Туркманистон
- 42 **ЛОЙИХА УСТИДА ИШЛАГАНЛАР**
- 43 “ЛОЙИХА ИШТИРОКЧИЛАРИ” ГАЛЕРЕЯСИ

ЛОЙИХА ЯНГИЛИКЛАРИ**МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ГЕНДЕРЛИК ФАОЛЛАРИ
ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ
СОҲАСИДА ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР**

2011 йилнинг 29-30 март кунлари Душанбеда IWPRнинг “Марказий Осиёда оиласидаги зўравонлик муаммоси. Қарши харакат механизмлари” мавзусида минтақавий давра сухбати бўлиб ўтди. Икки кунлик баҳс-мунонзараларда минтақанинг тўрт давлати – Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан келган вакиллар иштирок этиб, улар орасида расмийлар, ҳуқук-тартибот идоралари ходимлари, парламент депутатлари, судьялар, жамоат ва ҳалқаро ташкилот вакиллари бор эди. Давра сухбати Тожикистон хукумати қошидаги Аёллар ишлари бўйича кўмита хамкорлигида ташкил этилди. Давра сухбатининг минтақавий форматда ўтгани унда иштирок этган экспертларга оиласидаги зўравонлик қурбонлари химояси бўйича қонунчилик базаси вазияти борасида, инқироз марказлари ва ҳуқук муҳофазаси бўйича нодавлат ташкилотларининг сўнгги ташаббуслари юзасидан ахборот алмашиш имконини, бу нозик мавзунинг Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида ёритилиши муаммосига назар ташлаш имконини берди.

МУАММО ҲОЛАТИ

Ғарблик экспертлар маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда оиласидаги зўравонлиқдан 1,8 миллион аёл азиат чекади ва қизик туюлиши мумкин бўлган нарса шуки, бундай эркаклар сони 2 миллион кишини ташкил этар экан. Тадбир иштирокчилари ўз мамлакатларидағи вазият ҳақида гапириб бердилар. Қирғизистонда, расмий маълумотларга кўра, котиллик ва одам ўлдиришга касдланиш айбловлари билан судланган 87 фоиз аёл узок вақт давомида якинлари томонидан оиласидаги зўравонликка дучор қилинган, - дея маълум қилди Душанбеда ўз хисоботида Қирғизистон республикаси Жўғўрку Кенеши бешинчи чакириғи депутати Алтинай Ўмурбекова. “Сўнгги йилларда Қирғизистон республикаси инқироз марказларига умумий мурожаатлар сони кўпайди, мурожаат килгандарнинг 60 фоизи – оиласидаги зўравонлик қурбонларидир. Қирғизистонда аёлларга нисбатан кўлланаётган зўравонликнинг 80 фоизи оиласарда содир бўлмоқда”, - дея кайд этиди Ўмурбекова. “Сезим” инқироз маркази директори Бубусора Рискулова, Қирғизистон республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, “2010 йилнинг 10 ойи давомида оиласидаги зўравонлик оқибатида 7 та котиллик, касддан соғликқа оғир зарар етказиш бўйича 10 та ҳолат ва соғликқа енгил зарар етказиш бўйича

PROJECT NEWS

37 та ҳолат содир бўлгани”ни таъкидлади. “Муаммонинг ошкор этилмаётгани унинг миқёси ва кўламини англашга тўсқинлик қиласяпти, - дея қайд этди ““Status” аёллар федерацияси жамоатчилик бирлашмаси раисаси, Қозогистон республикаси президенти хузуридаги Аёллар ишлари бўйича ва оиласий-демографик сиёсат миллий комиссияси аъзоси Ирина Унжакова. – Омбудсмен матъумотларига кўра, 2008 йилда Қозогистон республикасидаги инкироз марказларига 21679 та телефон мурожаати бўлиб, уларнинг аксарини жисмоний ва руҳий зўравонлик курбонларидан келган кўнғироқлар ташкил қиласяпти. Аммо аксар ҳолларда бундай кишилар инкироз марказларига кўнғироқ қилиш билан чекланадилар ва шу боис ҳам зўравонлик кўлами кенгайишда давом этмоқда. Унжакованинг ҳамкасби, “Ижодкор зиёлиларнинг Аёллар лигаси жамоатчилик бирлашмаси” раёсати раисаси Асия Хайруллина Қозогистонда ёш оила қуриш ва ўсмир қизлар орасидаги ҳомиладорлик муаммоси долзарб муаммо эканини кўшимча қиласяпти. Бухоро Тиббий ҳуқукий маркази мониторинг турху маълумотларига кўра, 2009 йилда тезкор тиббий ёрдам машиналари билан шаҳар касалхоналарига 260 нафар аёл етказилган. Аснода, мазкур марказ эксперти Воҳид Каримовнинг таъкидлашича, “зўравон

жиноий жавобгарликка тортилгани камдан-кам учрайди, чунки зўравонлик курбонларини қабул килган ҳуқуқтартибот органи ходимлари ва шифокорларнинг сўзларига кўра, бунда “яраштириш механизми” кўл келган. Тоҷикистонда, тадқиқотлар натижаларига кўра, сўралган эркакларнинг 47,1 фоизи аёлларнинг асосий вазифаси бола тувиш ва яхши ўй бекаси бўлиш, деб хисоблайдилар, - дейилади Тоҷикистон республикасидаги “Хуқукий тенгликтарни сарп” ноҳукумат ташкилотлари коалицияси раисаси Татьяна Бозрикова ҳисоботида. 2008 йилнинг январь ойидан то сентябрь ойига қадар Тоҷикистонда аёллар орасида 240 та ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қайд этилган ва аёллар орасидаги худкушлик “эпидемияси”нинг асосий сабаби – жазо чораси қўрилмаган оиласидаги зўравонлиқдир. Оиласида аёлларнинг таҳқирланиши асосан қишлоқ жойларида кузатилади ва бунга ноқонуний никоҳ қуриш (кўп хотинлилек, киз олиб қочиш, эрта никоҳ қуриш ва диний урфодатлар бўйича никоҳ қуриш кабилар) сабаб бўлади. Экспертлар зўравонлик килган шахс жазоланиши, зўравонлик курбонининг эса ҳақ-ҳуқуқлари тикланишини кўзда тутувчи меъёр қонунийлаштирилиши зарурлигини қайд этдилар.

ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ

Тоҷикистонда профилактик характерга эга бўлган ва оиласидаги зўравонликка карши қураш бўйича мажмуавий чоралар кўришни кўзда тутувчи “Оиласидаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши арафасида турибди. Аввалор IWPR Тоҷикистонда ушбу қонун қабул қилинишини тарғиб қилиш юзасидан хотин-қизлар жамоатчилик ташкилотларини қўллаб-кувватлаш бўйича кенг кампанияни ўтказган эди. Аснода кирғизистонлик Бубусора Рисқулова қонун аёллар вазиятини яхшилашга ёрдам беришни, аммо бу “касалликка қарши эмлов” эмаслигини қайд этади. Унинг фикрига Тоҷикистондаги “Пер-

спектива плюс” жамоат жамғармаси раисаси Ойниҳол Бобоназарова ҳам қўшилади: “Биз факат қонун қабул қилиниши ҳакидагина ўйлаб қолмай, ҳаракатда давом этиш ҳакида ҳам ўйлашибимиз керак: мазкур қонунни амалга оширишда энг яхши натижаларга эришиш учун механизмларни ҳар томонлама ўйлаб чиқишимиз керак”. Иштирокчилар Тоҷикистон Олий суди вакиласи Лариса Қобилова айтган оиласий судларни жорий этиш ташаббусининг амалий қимматини эътироф этдилар.

PUBLICITY

Давра сұхбатида Бубусора Рисқулова Марказий Осиё мамлакатлари ўтрасида оиласидаги зўравонлик муаммолари бўйича телекўприклар ўтказиш тўғрисидаги янги гояни илгари сурди. Унинг сўзларига кўра, кўп харажат талаб килмайдиган бу ғоя муаммога расмийлар эътиборни қартишга ёрдам беради. “Давлат раҳбарлари ўтрасида барибир ракобат мавжуд ва биз ушбу телекўприклар расмийларни ўзгаришларга ундашига умид қиласмиз”, - деди Рисқулова. Мажлис чоғида илк бора март ойида Кирғизистонда очилган ижтимоий транзит уйларнинг концепцияси тақдим этилди. IWPRнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Абахон Султонназаров “биз аёллар муаммоларининг бир қисмига айланиб қолмасдан, уларга бу муаммоларини ечишда ёрдам беришимиш керак” дея қайд этаркан, IWPR келажакда бу соҳадаги ташаббусларини илгари суришда кўмак кўрсатишга тайёр эканини кўшимча қиласяпти. Давра сұхбати иштирокчилари оиласидаги зўравонлик олдини олиш бўйича Қозогистон, Кирғизистон, Тоҷики-

стон, Ўзбекистон ва Туркманистон давлат органлари, но давлат ва ҳалқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларига қаратилган конструктив тавсиялар ишлаб чиқдилар. Экспертлар бу тавсиялар бажарилишини мунтазам равишда мониторинг ўтказиш лозимлиги тўғрисида ягона фикрга келдилар. Кўшимча қилиб ўтиш жоизки, Душанбеда бўлиб ўтган давра сұхбати доирасида “Марказий Осиё аёллари. Оиласидаги зўравонлик, миграция, қашшоқлик” мавзусида фотокўргазма ҳам бўлиб ўтди. Кўргазма учун Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидан бўлган индивидуал фотосуратчилар – Дэвид Трилинг, Рустам Йўлдошев, Зарина Хушвакт, Валерий Калиев, Алмаз Калет ва бошқа муаллифларнинг 46 та иши танлаб олинди. Бундан ташқари, кўргазмада истаганлар БМТнинг аҳоли нуфузи соҳасидаги жамғармаси (UNFPA) ва Ҳалқаро Қизил Xоч ташкилоти лойихалари учун тайёрланган, шунингдек, RFE/RL, Stan-TV архиви ва IWPR-Central Asia шахсий архивидаги фотосуратлар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

ДАВРА СУҲБАТЛАРИ



ВИДЕО-КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ФОРМАТИДА

Бишкек. Июль – декабрь 2010 йил.

2010 йили IWPRда Халқаро тинчлик учун Карнеги жамғармаси билан ҳамкорликада видео- конференциялар ўтказиш анъанага айланды. Видеоконференция Интернет ва янги технологиялар ёрдамида дунёнинг турли бурчакларидағи эксперталарни ўзаро учрашириш имконини беради. Умумий хисобда олтитга “Бишкек-Вашингтон” видеоконференцияси бўлиб ўтди. Улар нотинч 2010 йилда Қирғизистонда содир бўлган кўплаб муҳим сиёсий воқеаларга бағишиланди. Дейлик, янги Конституцияни қабул қилиш бўйича ионъ ойинда бўлиб ўтган референдум арафасида мамлакатда ҳукумат алмашганидан сўнгги сиёсий вазият, 2010 йил октябрь ойинда бўлиб ўтган парламент сайловларидан кейинги ахвол ва умуман Марказий Осиёда парламентаризм истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, Қирғизистонда коалиция блокларининг ташкил топиш жараёни ва Қирғизистоннинг ташкил сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қандай ўзгаришлар кутаётгани таҳлил қилинди. Видеоконференцияларда Қирғизистон томонидан мамлакат янги парламенти таркибига кирган ва парламент сайловларида иштирок этган барча етакчи партиялар (“Ар-Намис”, “Ата-Журт”, “Ата-Мекен”, СДПК, “Республика”, “Замандаш”) вакиллари, Марказий Осиё бўйича етакчи таҳлилчилар, сиёсатшуносалар иштирок этдилар. АҚШ томонидан Карнеги жамғармаси ходимлари, АҚШ давлат департаменти вакиллари ва турли

килдилар. “Видеоконференция фикр алмашибининг жуда самарали ва қизик шаклидир. Ҳозирги сиёсий вазиятни Вашингтондаги ҳамкаслар билан муҳокамаси жуда қизгин ўтди. Экспертлар таркиби АҚШ томонидан ҳам, биз томондан ҳам жуда кучли эди. Бундай конференцияларни мунтазам, ойига бир марта ўтказиб туриш керак, деб хисоблайман”, - деди видеоконференция иштирокчиларидан бири, сиёсий таҳлилчи Марс Сарiev. Қайд этиш лозимки, Фарб эксперталари Қирғизистондаги ва-

Қирғиз Республикаси бош вазир ўринбосари Шамил Атаканов:

Мен IWPRнинг Вашингтондаги Карнеги жамғармаси билан ҳамкорликада ўтказган бир неча видеоконференцияси иштирокчиси бўлганман - бу жуда қизиқ формат. Шунингдек, IWPR сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқ муҳофазаси мавзуларида мақолалар чоп этмоқда. Бу жуда катта иш. Институтнинг мақолалари жуда мавзун, долзарб ва тасдиqlangan фактларга асослангандир. Айниқса мен бизнинг оммавий аҳборот воситаларида жуда камайиб кетган ҳуқуқ муҳофазаси мавзусидаги мақолаларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.



зиятни бироз бошқа томондан кўрадилар ва улар учун видеодиалогнинг бундай шакли – бу вазиятни мамлакат ичкарисидан туриб билиш учун имкониятдир. Шунинг учун бу ерда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва мутаносиб ечимлар ишлаб чикиш учун кенг майдон мавжуд. “Биз келажак ноаинқ бўлган дунёдагина эмас, балки ўтмиш ҳам муайян андозаларга солиниётган оламда яшамоқдамиз. Масалан, Қирғизистон жанубидаги ионъ воқеалари чоғида биз аҳборот майдонида жуда кучли моделлаштириш жараёни борганига гувоҳ бўлдик. Шу боис халқаро ҳамжамият Қирғизистондаги вазиятни бир ёқлама қабул қилди. Бундай видеоконференциялар кўп нарсаларга объектив қарашга имкон туғдидарид”, - деди Марс Сарiev.

Экспертлар бу форматдан минтақа ичидаги эксперталар ўргасида бўлгани каби, дунёнинг бошқа килемидаги ҳамкаслар билан сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий характердаги турли масалаларни муҳокама қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкинлигини қайд этдилар. Бу формат реал (айни пайтда кечаттган) вақт ва дўстона мухитда кўп масалаларни биргалиқда ҳал қилиш имконини беради. IWPR сұхбатларнинг асосий жиҳатлари киритилган матбуот варакчалари ҳамда

минтақа масалалариға теран қизиқиш билан каровчи кишиларга тақдим этилиши мумкин бўлган ҳар бир видео конференция стенограммасини чоп килади.

Ишенбай Абдуразақов, жамоат арбоби, дипломат, Қирғизистон Республикасининг сиёсий давлат котиби:

Турли мамлакатлардаги ҳамкаслар ўртасида бундай форматда экспертилек сұхбатлари қанчалик кўп олиб борилса ўртага ташланган масалалар доираси қанчалик кенг бўлса, мамлакатда содир бўлётган жасарёнларни тушунни ҳам шунчалик осон бўлади. Бу давлатлар ўртасида сиёсий алоқалар яхшиланишига ҳам кўмак беради.

тадқиқот институтлари ходимлари иштирок этдилар. Модернировали встречи Марта Брилл Олкотт (Фонд Карнеги) и Эрлан Абдылдаев (IWPR). Учрашувга Март Брилл Олкотт (Карнеги жамғармаси) ва Эрлан Абдылдаев (IWPR) модераторлик

ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Душанбе. 16-17 апрель 2010 йил.

Давра сұхбати IWPR томонидан Тоҷикистон республикаси Таълим вазирлиги ва Очиқ Жамият Институти – Тоҷикистондаги Кўмак жамғармаси кўмагида ўтказилди. Бу таълим соҳасидаги умумий ва кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш муаммоларни муҳокама қилиш учун турли соҳадаги мутахассисларни минтақа даражасида бир жойга ийқан илк давра сұхбати бўлди. Бу минтақавий мунонзарада Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистондан 60 дан зиёд вакил иштирок этди. Жорий йил (Туркманистондан ташқари) аксар Марказий Осиё республикалари учун таълим соҳасида ислоҳотлар ўтказиш

Гулжамол Султоналиева, «Доор эли» жамоатчиллик бирлашмаси раҳбари, Қирғизистон республикаси инсон ҳуқуқлари Кенгаши раҳбари вазифасини бажарувчи, Жогорку Кенеш IV чакириги депутати

IWPRнинг бу давра сұхбатида мен муҳим масалалар, жумладан, таълим олиши имкониятини муҳокама қилиши учун Марказий Осиё Парламентлараро тармогини ташкил этишини тақлиф этдим. Минтақада республикалар қонунчиллик органлари ўртасидаги алоқалардан етарили даражада фойдаланилмаётган аниқ. Биз қўйиниларнинг ўхшаш муаммоларни ҳал қилиши бўйича тажрибаларига асосланниб, қонун лойиҳаларини илгари суринимиз имкони пайдо бўларди.



ва жумладан, ўрта мактабларнинг 12 йиллик таълим соҳасига ўтиши долзарб бўлди. “Бугунги кунда кўпгина республикаларда таълим соҳасида ислоҳотлар ўтказилмоқда, - деди Тоҷикистон президенти Ижроия аппарати таълим ва илм-фан бўлими мудири Ҳамидуллоҳон Факеров. – Тоҷикистон ҳам бу йўналишда иш олиб бормоқда ва 2014 йилга келиб 12 йиллик ўрта таълимга ўтишини мақсад килган”. Ўз навбатида, қозок депутати Мухтор Абенов унинг мамлакати 2001 йилдаёк 12 йиллик таълим соҳасига ўтиш истаги ҳақида маълум килганини, аммо масала ўзининг амалий ечимини топмаганини таъкидлаб ўтди: “Бизнинг мамлакатда таълим соҳасининг барча тузилмаларини бу ислоҳотга тайёрлаш ва унинг максимал равишда самарали амалга ошириш учун мазкур масалага аста-секинлик билан ва босқичмабосқич ёндошилмоқда”, - деда қайд этди Қозоғистон парламенти қуий палатаси депутати. Шунингдек, давра сұхбати чоғида мамлакатларнинг ҳар бири бу соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда турли босқичда эканликлари, аммо уларнинг ҳар бирида таълим олиш имкониятида ўз чекловлари мавжуд бўлиб, улар қашшоқлик ва миграциядан то болалар меҳнатининг кенг тарқалиши кабиларда акс этади. Аснода минтақанинг ҳар бир мамлакатида болаларнинг маълум бир микдори мактабга бормаяти. Статистика бўйича Тоҷикистонда мактаб ўқувчиларнинг умумий сонидан 2,5 фоизи, Қозоғистон ва Ўзбекистонда 0,2 фоизи мактабга бормайди, Қирғизистонда эса мактаб ёшидаги 80 минг бола мактабга қатнамайди. Минтақа мамлакатлари учун таълим соҳасидаги умумий муаммолардан яна бири мактабгача таълим олаётган болаларнинг камлиги

бўлиб, бу улар таълимининг кейинги барча босқичлари даражасида акс этмай қолмайди. Давра сұхбати иштирокчилари ҳукуматлар раҳбарлари, тегиши давлат идоралари, ноҳукумат ташкилотлари, оммавий ахборот воқитлари ва халқаро ташкилотлари га янада аянчлироқ оқибатларга олиб келмаслиги учун таълим соҳасида энг аввало қайси муаммолар ҳал қилиниши лозимлигини кўрсатиб бериш мақсадида умумий тавсияномалар ишлаб чиқишид.

Муҳаббатшо Рӯзандоров, Тоҷикистон президентининг илм-фан ва замонавий технологиялар бўйича маслаҳатчиси

Ўрта таълим олиши имконияти муаммоси минтақа мамлакатларида бундай юқори даражада анчадан бўён муҳокама қилинмаган эди. Давра сұхбати жуда долзарб бўлди, чунки илгари сурилган муаммолар бутун минтақа учун жуда муҳим. Таълимни учинчи минг йилликнинг дини дейиш ҳам мумкин, шунинг учун биз айнан мана шу масалага катта эътибор қаратишимиз лозим. Биз бир-бirimizни яхши тушунишимиш ва келишган ҳолда қарорлар қабул қилишимиз учун умумий минтақавий таълим майдонини ташкил қилсан, яхши бўларди. Бу каби тадбирлар бунга катта ёрдам беради.



ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДА МАВЖУД СУВ МОЖАРОСИННИГ
ЕЧИМ ТОПИШИ ЙЎЛИДА ЎТКАЗИЛГАН МУЛОҚОТ**

Душанбе, 12 июнь 2009 йил



Икки йирик дарё – Сирдарё ва Амударё сувларидан фойдаланадиган минтақа мамлакатларининг сувдан фойдаланиш жабхасидаги мажаронинг кетталашиб кетишига йўл қўймаслик даркор, - бу фикр “Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммолари: ўзаро муроса имконияти борми?” мавзусидаги давра сухбати иштирокчilari орасида юзага келган баҳс-мунозаранинг асосий foясига айланди. Сувдан фойдаланиш ва гидроэнергетика соҳасидаги етакчи эксперtlar, Марказий Осиё мамлакатларининг давлат тузилмалари вакиллари, Тоҷикистонда аккредитациядан ўтган депутатлик корпусли ходимлари ва дипломатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, Тоҷикистонда аккредитациядан ўтган депутатлик корпусли ходимлари ва дипломатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат 50 дан зиёд мутахассислар бу муаммонинг турли жиҳатларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистондан ушбу мамлакатнинг Тоҷикистондаги элчихонаси вакили иштирок этди. Давра сухбати иштирокчilari трансчегаравий дарёлар мамлакатлари позициялари ўртасидаги туташ нукталарни топишга харакат килдилар. Баҳслар кескин руҳда ўтганига қарамай, давра сухбатининг барча иштирокчilari сувдан фойдаланиш масаласи деб

мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатда тарангликнинг кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш учун муроса йўлларини кидириш кераклиги тўғрисида ҳамфирк бўлдилар. Бунда асосий рол оммавий ахборот воситаларига тегиши, дея алоҳида қайд этдилар иштирокчilар. Бу муаммонинг ёритилишида оммавий ахборот воситалари ролига давра сухбатининг алоҳида сессияси бағишлианди. Унда иштирок этган эксперtlar эса ўз мақолалари билан сувдан фойдаланиш масаласи атрофида юзага келган баҳсларнинг олдини олишга эмас, аксинча мажаронинг юзага келишига сабаб бўлаётган журналистларга ўз даъволарини билдириб ўтдилар. Ўз навбатида, журналистлар бевосита мутахассислар тилидан мамлакатларининг сув-энергетика масалалари бўйича ўзаро муносабатлар тағсилотлари ва деталлари ҳакида билиб олишга муваффақ бўлдилар. Давра сухбатининг эксперtlar даражасида томонлар ўртасидаги янада унумли мулоқоти бошланиши учун база яратиб бергани эса унинг энг ижобий жиҳати бўлди.

**Парвиз Муллажонов,
тоҷикистонлик сиёsatшунос**

Марказий Осиё мамлакатларида сувдан фойдаланиш масаласи – бу мамлакатлар позициялари ўртасида кўплаб баҳслар ва келишимовчиликлар келтириб чиқарадиган минтақадаги энг мажароли мавзудир ва ўзларини ўтган сайнин у кескинлашиб бораверади. Менга бу мавзуни муҳокама қилиши бўйича IWPR томонидан тақлиф этилган формат жуда ёқди. Бу муаммо бўйича кўп деталларни аллақачон аниқлаштириб олиши керак эди, бундан аввал биз сувдан фойдаланиш муаммолари юзасидан фақат бирёзлама баҳоларни эшиитиб келгандик.



ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҲУҚУҚ МУХОФАЗАСИ БҮЙИЧА ИНТЕРНЕТ-ТАШАББУСЛАР ВА ОНЛАЙН-ЖУРНАЛИСТИКА

Бишкек. 24-25 ноябрь 2009 йил

Ана шундай номланган минтақавий давра сұхбати 2009 йил охирида Бишкек матбуот клубында бўлиб ўтди. У Қозоғистон Марказий Осиё республикалари орасида биринчилардан бўлиб интернет-захираларни расмий оммавий ахборот воситалари мақомига конунан тенглаштирган йилда бўлиб ўтди. Давра сұхбатида Қозоғистон, Қыргизистон, Ўзбекистон ва Тожикистондан ташриф буюрган медиа мутахассислар, ҳуқуқ химоячилари, ҳалқаро ташкилотлар ходимлари, тегишли тузилмалар хизматчилари, парламент аъзолари, журналистлар ва сиёсатшunosлар қатнашдилар. Экспертлар Марказий Осиёда Интернетдаги сўз эркинлиги даражаси ва ҳар бир мамлакатда ҳуқуқ муҳофазаси бўйича интернет-ташаббуслар ва фуқаролик журналистикаси ривожланишини алоҳида-aloҳида мухокама қилиб чиқдилар. Жамоатчилик сиёсати институти (IPP) нинг (ўша пайтдаги) президенти Муратбек Иманалиевнинг қайд этишича, “Интернет – бу замонавий түрмушнинг янги сифатли асосларидан бири бўлиб, интернет-жамият ва бирлашмалар қандайдир институт ўларок онлайн-журналистика воситасида ривожланиб бормоқда”. IWPRнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Абахон Султонназаров тармоқдан фойдаланувчилар сони кўпайиб боргани сари Интернетнинг унваллиги давлат ва фуқаролик жамиятининг тобора кўпроқ эътиборини тортаётганини тъкидлади. Internet World Stats (www.internetworldstats.com) нинг 2009 йил сентябрь ойидаги статистик маълумотларига кўра, Интернетнинг Марказий Осиёга кириб бориши даражаси куйидагичадир: Қозоғистон – 14,9%, Қыргизистон – 15,6%, Тожикистон – 8,2%, Туркманистон – 1,5%. Бу ташкилотда Ўзбекистон бўйича маълумотлар йўқ. “Симсиз Интернет тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Афтидан, интернет-провайдерлар нархларни пасайтирган тақдирда тармоқдан

журналист ва блоггерлар хавфсизлиги муаммоларига катта эътибор қарадилар. Дейлик, давра сұхбати иштирокчиларидан бири, ўзбекистонлик мустакил журналист Сергей Наумов Марказий Осиёнинг бу мамлакатида “интернет-кафедан тортиб то “Ўзтелеком” компаниясининг сўнгги ўтиш нуктасигача қўп боскичли филтрлаш” мавжудлигини қайд этди. Тожикистондаги Интернет билан боғлиқ ҳозирги вазиятнинг асосий тенденциялари бу ахборот-коммуникация технология-

Адил Жалилов, MediaNet асосчиси

Интернет Марказий Осиёда энг эркин ахборот майдони бўлса керак. Интернет тармоғини назорат қилиши ўз-ўзини назорат қилишига айланниши керак. Конун ва бошқа репрессив чоралар қабул қилиниши мазмун ва вазифасидан қатъий назар барча Интернет-захираларни хатар остига қўяётгап бир пайтда, фойдаланувчиларнинг ўзлари контентни назорат қилишлари анча самаралироқ бўларди.



ялари соҳасида мутахассисларнинг етишмаслиги бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақда ўз нутқида Тожикистон мустакил оммавий ахборот воситалари Миллий Ассоциацияси раиси Нуридин Қаршибоев айтиб ўтди. У онлайн-журналистика Тожикистонда тақрибан уч-тўрт йил аввал пайдо бўлгани ва айни пайтда республикадаги кўпчилик онлайн-журналистлар бу жабҳани мустакил равишда ўзлаштирганларини қайд этди. Шунинг учун ҳам, унинг фикрича, Тожикистонда бўлгани каби минтақанинг бошқа мамлакатларида ҳам журналистларни Интернетда ишлашнинг ўзига хос ҳусусиятларини ўргатувчи семинарлар ўтказиш лозим. Давра сұхбати иштирокчилари Марказий Осиёда Интернет, блогинг ва микроблогларнинг барча имкониятларига етарлича баҳо берилмаётгани, биринчидан, маълумотнинг йўқлигига, иккинчидан эса, минтақадаги тармоқдан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги Интернетни ҳозиргача аввало кўнгил очиш йўли сифатида қабул килаётганига боғлиқ, деган фикрга келдилар. Бу ҳақда ўз нутқида қозоғистонлик журналист, “Азаттик” радиоси сайтининг муаллифи ва муҳаррири Артур Нигметов қайд этди. Нуридин Қаршибоев: “Ҳозирча Марказий Осиёда интернет-журналистика бошланғич ҳолатда. Бу ерда кадрлар билан боғлиқ, шунингдек, техник ва қонунчилик билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Цензуранинг исталган шакли анъанавий оммавий ахборот воситалари учун тўғри келмагани баробаридан, у онлайн-нашрларга нисбатан ҳам ишламиаслиги кераклигини тушуниб етиш мухим. Шунингдек, биз интернет-контент ҳукумат томонидан назорат қилинишига эҳтиёж бўлмаслиги учун уни ўзимиз мустакил равишда бошқаришимиз кераклигини аниқ тушуниб етишимиз керак”, деба таъкидлади. Интернет ривожланиши инсоний ресурслар ҳам билан белгиланади, шунинг учун бугунги кунда ахолининг замонавий интернет-технологиялар соҳасидаги билим даражасини ошириш шу қадар мухимdir. Тадбирнинг асосий натижаси минтақа мамлакатларида ахборот захиралари самарадорлигини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиши бўлди.



«Azattyq» радиосининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиси

Минтақадаги фуқаролик журналистикаси шаклланишининг дастлабки босқичида турибди. Унинг ривожланиши фуқаролик жамоати ривожланиши даражаси билан бевосита боғлиқ. Давлат фойдаланувчининг тармоқдаги хавфсизлигини таъминлаб берини, web-захиралар эса маълумотнинг тўлиқ сақланишини кафолатлаши керак.

фойдаланувчилар сони ошади, - деди Қозоғистон республикаси президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институтининг ижтимоий-иктисодий тадқиқотлар бўлими мудири Антон Морозов. – Шу сабабдан давлатнинг интернет-фазо устидан превентив назорат ўрнатишга бўлган уринишларини тушунса бўлади”. Қозоғистон республикаси расмийлари интернет-захираларнинг оммавий ахборот воситаларига тенглаштирилиши “интернет-журналистика ривожланишини ҳуқукий майдон доирасида рағбатлантиришга уриниш” деба асослашга уриндилар. Давра сұхбатида эксперталар блокировка, онлайн-

муҳим. Шунингдек, биз интернет-контент ҳукумат томонидан назорат қилинишига эҳтиёж бўлмаслиги учун уни ўзимиз мустакил равишда бошқаришимиз кераклигини аниқ тушуниб етишимиз керак”, деба таъкидлади. Интернет ривожланиши инсоний ресурслар ҳам билан белгиланади, шунинг учун бугунги кунда ахолининг замонавий интернет-технологиялар соҳасидаги билим даражасини ошириш шу қадар мухимdir. Тадбирнинг асосий натижаси минтақа мамлакатларида ахборот захиралари самарадорлигини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиши бўлди.

ҲУҚУҚ МУХОФАЗАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЭНГ ЗЎР ЁРИТИЛИШИ БЎЙИЧА ЖУРНАЛИСТЛАР ОРАСИДАГИ ТАНЛОВ

ҒОЛИБЛАР

“Матбуот” номинацияси:

- 1-ўрин – Елена Воронина (Қирғизистон)
- 2-ўрин – Елена Братухина (Қозоғистон)
- 3-ўрин – Рамзия Мирзобекова (Тожикистон)

“Онлайн оммавий ахборот воситалари” номинацияси:

- 1-ўрин – Ўзбекистон вакили
- 2-ўрин – Тилав Расулов (Тожикистон)
- 3-ўрин – Бакит Ибраимов (Қирғизистон)

“Болалар ва аёллар ҳуқуки” маҳсус номинацияси –

Абдуракиб Қодиров (Тожикистон)

“Қийноқлар, ноқонуний ҳибсга олиш ва қамоқ” маҳсус номинацияси –

Жасулан Кужеков (Қозоғистон)

“Сўз эркинлиги” маҳсус номинацияси – Сергей Расов (Қозоғистон)

“Харакатланиш эркинлиги” маҳсус номинацияси – Дилбеким Мавлоний (Ўзбекистон)

БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг “Етарли тураг-жой”
маҳсус номинацияси – Валентина Қосимбекова – (Тожикистон)

БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг “Етарли тураг-жой”
маҳсус номинацияси – Асил Ўсмоналиева (Қирғизистон)

БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг “Етарли тураг-жой”
маҳсус номинацияси – Махамбет Абжан (Қозоғистон)

Тожикистондаги АҚШ элчихонасининг маҳсус номинацияси – Ирина Умарова (Тожикистон)

Тожикистондаги АҚШ элчихонасининг маҳсус номинацияси –
Фазлиддин Хўжаев (Тожикистон)

2010 йилнинг 8 ва 10 декабрь кунлари Душанбе ва
Бишкекда “Ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлик масалалар-
нинг оммавий ахборот воситаларида энг зўр ёритилиши”
бўйича Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистондан кел-
ган журналистлар орасида эълон килинмиш Марказий
Осие танлови ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб
ўтди. Совриндорларга пероран қанотга ўтувчи шаклда
ҳозирланмиш бронздан килинган рамзий статуэтка, дип-
лом хамда номинациясига қараб 300 дан 1000 АҚШ долларигача пул мукофоти берилди. анлов 2009 йилда эълон
килинганди. Ўшандан бўён минтақанинг тўрт давлатида-
ги давлат ва хусусий оммавий ахборот воситалари мух-
бирлари хамда фрилансерларидан юздан ортиқ талабно-

ма келди. Ҳайъат таркибиға Қозоғистон, Қирғизистон, То-
жикистон ва Ўзбекистондан бўлган Вячеслав Абрамов,
Андрей Гришин, Сардар Бағишбеков, Шамарал Майчи-
ев, Ойниҳол Бобоназарова, Шаҳло Акобирова, Ҳакимжон
Хусанов каби нафакат ўз мамлакати, балки унинг хори-
жида ҳам таникли бўлган ҳуқук фаоллари, журналист ва
юристлардан иборат етти киши кирганди. Ўзбекистонни
тамсил этувчи ҳайъат аъзоси Ҳакимжон Хусанов энг яҳши
мақолаларни танлаш жараённида айрим номинациялар
бўйича жюри аъзолари ўргасида кизгин баҳслар авж ол-
ганини айтиб ўтди. “Даставвал биз мақолаларга алоҳида-
алоҳида баҳо бердик, кейин эса ғолибларни танлаш учун
[Skype-conference орқали] учрашдик”, - деди у. Эксперт-

ЖУРНАЛИСТЛАР ВА ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ УЧУН АДАБИЁТЛАР НАШР ЭТИЛИШИ

лар бунақа кўрик-тандловлар професионал стандартларни кўтаришдан ташкари, кўпчилик иштирокчилар эътироф этгандаридек, ёритиш осон бўлмаган ҳуқукни муҳофаза қилиш мавзуларини ёритишига рағбатлантирини кайд этдилар, чунки расмийлардан оддий ахборот олиш харакатлари хам журналист устидан судга арз қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Аҳолини ҳуқуқий маърифатли қилиш “ҳозирча инсон ҳуқуқлари бузилишига кўпинча кўз юмиб келаётган” давлатнинг ҳуқукни ҳимоя қилиш институтлари масъулиятини оширади, - деди “Матбуот” йўналиши бўйича учинчи ўринни олган, ҳуқук муҳофазаси билан боғлиқ журналистика қандай хатарларга йўлиқтиришини яхши биладиган токикистонлик журналист Рамзия Мирзобекова. Озод Европа/Озодлик радиосида ишловчи, “Кийноклар ва ноқонуний ҳибсга олишлар” номинацияси бўйича мукофотланган қозғистонлик журналист Жасулан Кужеков узоқ йиллар нефть бизнеси масалаларини ёритиш билан шуғулланганини, аммо ҳуқук муҳофазаси билан боғлиқ мавзулар-

IWPR тандловларида иштирок этишини истаган журналистлар дикқатига: 2011 йилнинг май ойида IWPR матбуот, онлайн оммавий ахборот воситалари ҳамда фотожурналистлар орасида “Ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ масалаларнинг энг зўр ёритилиши” тандловининг янги босқичи бошланиши ҳақида эълон қиласди. Илтимос, батифсил маълумот учун IWPRнинг минтаقا мамлакатларидағи оғисларига мурожаат қилинг.

ни ёза бошлаганидан кейин бу ишдан воз кечмасликка карор қилганини айтади. “Бу факат менинггина эмас, мақолаларим қаҳрамонлари бўлган болаларнинг хам ғалабасидир”, - деди “Матбуот” номинациясида

голиб чиққан кирғизистонлик журналист ва ҳуқуқ ҳимоячиси Елена Воронина.

“Бу маросим биз учун ҳакиқий байрамга айланди”, - деди токикистонлик журналист Валентина Қасимбекова Душанбедаги тандлов галибларини мукофотлаш тантаналарига келган Токикистон парламенти аъзолари, амалдорлар, маҳаллий нодавлат ташкилотлари ва ҳалқаро ташкилотлар вакилларини кўришдан шод эканини қайд эта туриб. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Фиона Фрейзер бунинг муваффақиятли ташаббус бўлганини айтиб, тандловни уюштирган IWPRга миннатдорчилик изҳор этди. Шунингдек, у, агар бундай тандлов кейинги йилга ҳам ўтказилса, унда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўз номинациясини таъсис этиш ниятида эканини ҳам айтиб ўтди. Тандлов БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (UNHCHR) минтақавий бўлими ва АҚШнинг Токикистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ВА ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ УЧУН АДАБИЁТЛАР НАШР ЭТИЛИШИ

2010 йилнинг 13, 15 ва 26 октябрь кунлари Олмата, Душанбе ва Бишкек шаҳарларида Уруш ва тинчликни ёритиш Институти (IWPR) нинг журналист ва ҳуқук ҳимоячилари учун чиқарилган янги адабиётлар тақдимоти бўлиб ўтди. Янги чоп қилинган маҳсулотлар ичida оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотларининг бир-бирини тушунишига ёрдам берадиган: ҳуқук фаолларига оммавий ахборот воситалари билан ўз ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, журналистларга эса ҳуқук муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларни ёритишида ёрдам берувчи амалиётчилар тавсиялари акс этган “Самарали коммуникация воситалари” ва “Инсон ҳуқуқларини ёритиш” каби қўлланмалар бор. Бундан ташкари, бу йил Институт томонидан IWPRнинг маҳаллий журналистлари учун аввал инглиз ва рус тиллари чиқарилган “Ўзғаришлар йўлида репортажлар” қўлланмаси маҳаллий тилларга таржима килинди. Бу қўлланма мутахассислар томонидан журналистиканинг ҳалқаро стандартлари бўйича энг яхши амалий қўлланмалардан бири сифатида эътироф этилган. Шунинг-

дек, Институт томонидан рус тилида радиожурналистика бўйича қўлланма чиқарилди.

Нашр тақдимотида Қозғистон, Қирғизистон ва Токикистон маҳаллий олий ўкув юртлари журналистика факультетлари ва кафедралари ҳамда минтақа нодавлат ташкилотлари ва медиаташкилотларига китоб туфҳа килинди. IWPR чоп қилинган китобларнинг уникаллиги шундаки, улар Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидан бўлган эксперталар тажрибасини ўзида мужассам этган. Китобга Қозғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ўз мамлакати ва хорижда машҳур бўлган етакчи ҳуқук ҳимоячилари ва журналистлари ҳамда IWPR ходимлари муаллифлик қилган. Қирғизистон таълим ва фан вазирининг ўринbosari Гулжигит Сўрўнкулов мазкур нашрларга таълим жараёнига талаб кеттилигини қайд этди. Қирғизистон-Россия Славян университети (КРСУ) ҳалқаро журналистика кафе-драси мудири Александр Кацев бу китоблар “посттоталитар даврдаги толерантлилик ҳуқуқига даъвогарлик килиши мумкин” лигини таъкидлади, чунки, Кацевга кўра, “қанча

кўп тилда китоб чоп этилиб, талабалар онгига қанча кўп сингдириса, жамиятда толерантлилик ғояси шунча кенг ёйилади”. Қозогистондаги журналистларнинг “Адил сўз” хукуқни химоя килиш ташкилоти вакиласи Софья Лапина “нашр қилинган китоблар хукукни химоя қилувчи нодавлат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида



Гулнар Асанбаева, КИМЕРнинг Журналистика департаменти катта ўқитувчisi

IWPRнинг хабар ва репортажлар ёзиши бўйича “Ўзгаришилар йўлидаги репортажлар” дея номланган кўлланмаси КИМЭП талабалари учун яхши манба бўлиб ҳисобланади. Бизнинг талабалар IWPRнинг Олмаотадаги оғисида стажировка ўташи имкониятини изламоқдалар. Биз ўз курсларимиз доирасида IWPR муҳаррирларини университетдаги амалий машғулотларга мунтазам равишда тақлиф қилиб турамиз.

янада тифизроқ ҳамкорликни йўлга қўйишга кўмаклашади”, деб ҳисоблади. Унга кўра, мазкур кўлланмалар ёш журналистларни хукукни муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларга жалб қиласи ва уларга ахборот оқимида йўналиши олишга ёрдам беради. Радиожурналистлар учун чиқарилган кўлланма музалифларидан бири Зебо Тожибоева музалифлар ишига уларнинг таҳлилий радиорепортажлар журналисти ва муҳаррири сифатидаги ўз билим ва тажрибалари асос бўлганини айтади. “Кейинги пайтларда бошқа мамлакатларда бўлгани каби Тожикистонда ҳам радиожурналистиканинг таҳлилий сюжет (уни пакет ҳам деб атайдилар) каби жанри ўла бошлади. У журналистдан анчагина вақт ва ижодий из-

ланиш талаб қиласи. Шу билан бирга бу радиотингловчига ахборот етказишининг энг кизик усулидир. Шунинг учун ҳам IWPRнинг бутун радиолойиҳаси ва мазкур кўлланмага шу жанр асос қилиб олинди”, - деди у. Журналистлар ва хукукни химоя қилувчи нодавлат ташкилотлари учун илк бор чоп этилган кўлланмалар ҳакида гапирав экан, “Нота бене” жа-

моатчилик ташкилоти раҳбари, таникли хукук ҳимоячиси Нигина Бахриева: “Бу китобда жамоатчилик билан қай тариқа тўғри алоқа ўрнатиш лозимлиги ҳакида илк маротаба амалий маслаҳатлар ва назарий билимлар битта китобда жамлан-

ган”, дея қайд этди. Шунингдек, у мазкур кўлланма хукукни химоя қилувчи ташкилотларга нинг жамият учун мухим ва қизиқарли иши ҳакида билдиришга кўмаклашишига умид билдири. IWPR китоблари тақдимоти журналистлар, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти, олий ўкув юрглари, ҳалқаро ташкилотлар ҳамда минтақа мамлакатлари дипломатик миссиялари вакиллари эътиборини кенг кўламда жалб этди. Институтнинг минтақа мамлакатларидағи оғислари чоп қилинган маҳсулотларни текинга тақдим этиш бўйича қизиқсан ташкилотлар ва шахслардан илтимосномаларни қабул қилмоқда.




Додарбек Сайдалиев, Кўлоб Давлат ҳалқаро алоқалар университетининг проректори

Бизнинг университетда журналистика бўлимни очилганига иккى йил бўлди, аммо ҳалигача бизга ўқитувчи ва ўқув-методик адабиётлар ўта етишимаяти. IWPR китоблари биз учун катта ёрдам бўлди. Тожикистон учун амалий тавсияларга асосланган бундай профессионал адабиётнинг чиқиши айни муддаодир.

Асқар Ақталов, Қирғизистон-Россия Славян университетининг 3 курс талабаси, Kloop.kg мұхбири

Ўзида эксперtlар ва журналистларнинг амалий маслаҳатлари, зарур ҳажмидаги назария, шахсий тажрибани жамлаган, ҳеч қандай ортиқча маълумот бўлмаган керакли ва фойдали адабиёт. Ундаги маълумотлардан мамлакатимиздаги ҳозирги ши шароитида фойдаланиш мумкин.




IWPR КИТОБЛАРИ СОВФА ҚИЛИНГАН УНИВЕРСИТЕТЛАР:

Тожикистон Давлат Миллий университети;
Россия-Тожикистон (славян) университети;
Хоруғ Давлат университети;
Кўргонтепа Давлат университети;
Хўжанд Давлат университети;
Б. Н. Ельцин номидаги Қирғизистон-Россия Славян университети;
Марказий Осиёдаги Америка университети (МОАУ);
Болосогун номидаги Қирғизистон Миллий университети;
И. Раззоқов номидаги Қирғизистон техник университети;
“Манас” кирғиз-турк университети;
И. Арабаев номидаги Қирғизистон Давлат педагогика университети;
Қ. Тинистанов номидаги Иссиқкўл Давлат университети;
Ўш Давлат университети;
Ал-Фаробий номидаги Қозогистон Давлат университети;
Халқаро бизнес университети (UIB).

ЭҢГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛЛАР

ҚОЗОҒИСТОН



ҚОЗОҒИСТОНДАГИ АФРИКАЛИКЛАР ЯШАШ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

22 марта 2010 иил

200 га яқин африкалик университетдаги ўқишиларини битиргач, мустақилликка эришган Қозоғистонда колиб кетдилар. Улар узок вактдан буён мамлакатда яшашларига қарамай, күплари аниқ конуний макомга эга бўлолмаятилар. Андрей Гришин мақоласининг қахрамони Треоре вақтинча яшаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани 2004 или олган, аммо ўшандан бери хужжат муддатини чўздириш бўйича кийинчилкларга дуч келади. Треоре ва бошка сўралганлар уларни рўйхатда бўлмаган хужжатларни топширишга мажбурлаб, ноҳак таҳкираётганларини ай-

тадилар. Қозоғистондаги инсон ҳуқуқлари халқаро бюро-сининг юристи Виктория Тюленева фикрича, бу ерда гап африкаликларга нисбатан нохолис муносабатда бўлишда эмас, бундай муносабатга барча муҳожирлар тўқнаш кела-дилар. Қозоғистонда 300 мингдан бир миллионгacha меҳнат муҳожири бўлиб, уларнинг кўпчилиги кўшни Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тоҷикистондан келган мавсумий ишчилар ташкил этади. Аксар ҳолларда ҳуқуқларнинг бузилиши муҳожирлар ўзларининг конуний ҳак-ҳуқуқларини билмасликларидан келиб чиқаяти, - дейди ҳукуқ химоячилари.


ҚОЗОГИСТОН

Эдуард Полетаев,
қозогистонлик сиёсатшунос:



IWPR халқаро жамоат-чилик эътиборига ҳуқук мухофазаси таҳлили ва шарҳларни инглиз тилида тақдим этувчи Қозогистондаги кам сонли журналистик коллективлардан биридир. IWPR ёш журналистларни анчадан бўн ва самарали равишда ўқитиб келади. Мен IWPR муаллифлари Қозогистон журналистикасида обрў-эътиборга эришганлари бўйича кўплаб мисолларни биламан.

Александр Егорченко, “Драккар” нациёнт уйи директори, “Қозогистон қимматбаҳо қоғозлар бозори” ва “Шахсий туллар” журналарининг боши муҳаррири:



Мен IWPR сайтидаги мақолаларни доимий ра-вишда ўқиб бораман ва Қозогистондаги хамма ом-мавий ахборот воситалари хам чоп килавермайдиган кизик факт ва воеаларни у орқали билиб бораман. Мен-га IWPRнинг айниска инсон ҳуқукларига алоқадор бўлган воеаларни ёритишига ҳар томонлами ва систе-мали ёндошуви маъкул кела-ди. Бизнинг фуқароларимиз ўз ҳуқуклари ва давлатнинг демократия тамойиллари-ни яхширок тушунишлари учун жамиятимизга ана шун-дай характеристидаги маълумот-лар керак.

“ҚУЛДОРЛИК МОДАГА ҚИРМОҚДА” МАХСУС РЕПОРТАЖИ

4 декабрь 2009 йил

Уюшган жиноятиликка карши кураш бўлими ходимлари Қозогистон шарқидаги кишлекларнинг бирида тўрт кишидан иборат гурӯх туткинликда мажбуран ушлаб турлганини аниклаб, уларни озод килишга муваффақ бўлдилар. Бундай ҳолатлар бу ҳудудда авваллари ҳам учраб турган ва эксперtlар фикрича, мазкур ҳолат сўнгиси эмас. Қозогистонда учраб турадиган қулдорлик сабабларидан бири кишлекларда ишчи кадрларнинг етишмаслигидир. Совет даврида сут соғувчилик, чўпонлик, молбокарликга ўргатиш бўйича курслар бўларди. Бу одамларни кишлек жойларда ишлашга рағбатлантирарди. Ҳозир ёшлар пул топиш осон ва маоши анча катта бўлган шаҳарларга кетишга интилади. Сут соғувчи ва чўпон бўлиб эса шаҳардан мажбуран олиб келинган уйсизлар ишламоқдалар. Мақола муаллифи Яна Герасимова тасодифан қулликка тушиб колган 50 ёшли Қодирали билан сұхбатлашишга муваффақ бўлди. Семей шаҳридаги қурилишларнинг бирида малакали гишт терувчи бўлиб ишлаган эркакни уйсиз деб ўйлашиб, мажбуран кишлекка олиб келишади. У ерда Қодирали бошқа уч киши билан биргаликда қишлоқ хўжалигида узоқ вақт ишлайди. Бу бўйича Қозогистон Республикаси Жиноий кодексининг 128-моддаси бўйича жиноий иш кўзгатилиб, судда кўриб чиқилади.



ҚОЗОГИСТОН ЖАНУБИДАГИ ЁШ БОЛАЛАРНИ ПАХТА ТЕРИШГА МАЖБУРЛАМОҚДАЛАР

29 ноябрь 2009 йил

Сўнгги йилларда пахта плантацияларининг эгалари терим ишларига қўшни Ўзбекистондан келган катта ёшдаги мухожирларни ёллай бошладилар. Шунингдек, ишга вояга етмаганларни ҳам жалб киласдилар ва уларга катта ёшдаги ишчи маоши-нинг учдан бир қисмини тўлайдилар. Энг ёмони эса, ҳабар қилинишича, маҳаллий ҳокимият ва мактабларнинг Қозогистондаги ёш болаларни даладаги ишларга жалб киласдигандир. Бу ҳакда ўз мақоласида Олеся Лисенко ёзади. Маҳаллий фермерлар: “Барча катта хўжаликлар туман ёки вилоят маъмуриятида қариндошлари бўлган “катта” одамларга тегишли”, демоқдалар. Уларнинг фикрича, фермерларнинг маҳаллий ҳукумат органларида алоҳида кишилар билан ўзаро қариндош-уругчилик алоқалари мактаб ўкувчиларини пахта майдонларига чиқаришга мажбурламоқда. Далаларда ишлаётган ўсмирлар пахта теришдан бош тортган тақдирда ўқитувчилар уларга ёмон баҳо ќўйиш билан таҳдид килганларини айтишади. Жанубий Қозогистон прокуратурасининг матбуот котиби Тамара Утебаева мазкур воеаларга аралашиб колган ўқитувчилар хатти-харакатини ўкувчилар “тобе бўлган, имтиҳон топшириши ва баҳо олиши керак бўлган” кишилар томонидан “болалар ҳуқуқларининг бузилиши” сифатида баҳолади.

ЭҢГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛЛАР

ҚИРГИЗИСТОН



“ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ХАРОБАЛАР БАХОСИ”

14 шолъ 2010 йил

Қирғизистон жанубида содир бўлган миллатлараро мозародан бир ой ўтгач, IWPR июнь ойида содир бўлган тартибсизликлар гувоҳларига ҳалок бўлган одамлар ва вайрон бўлган бинолар бўйича келтирилган куруқ статистик маълумотлар ортидаги инсонлар фожиаси ҳакида сўзлаб бериш учун имкон яратишни мақсад қилган катта макола тайёрлади. IWPR муҳбирлари жанубдаги Ўш ва Жалолобод каби иирик шаҳарларнинг қайси туманлари кўпроқ зарар кўргани ҳамда ҳалок бўлганлар ва қочқинлар тўғрисидаги расмий маълумотларнинг нечоғлик ҳакиқатга тўғри келишини аниқлашга муваффак бўлдилар. Материал устида бир нечта журналист - пойтахт ва жанубдаги команда иш-

лади, улар таҳлилий репортажни тайёрлаш учун бўлакбўлак маълумот йигишида бир-бирларига ёрдам бердилар. Кўпинча рееспондентларни бирор нарсани гапириб беришга кўндириш учун узоқ вақт сарфлашга тўғри келди, кўплар гапиришдан кўрқидилар. Макола ёзилётган пайтда жанубдаги ҳаётнинг кўп жабҳалари ўз ўрнига туша бошлагандек кўринарди, аммо одамларда таранглик кайфияти ҳамон сакланиб қолганди. Одамлар ҳали ҳам эҳтимолга озиқовқатни ғамлаб кўйишни давом этмоқдалар ва ўз мавзеларини кўриклиш учун отрядлар ташкил этмоқдалар. Бошдан кеиргандарни бир кунда унтишнинг иложи йўк.

ҚИРГИЗИСТОН

*Кубат Ыттүрбаев, Қирғизистон
Миллий телерадиоёйлөнүүлөв
корпорациясы раҳбары*

IWPR маколаларыда хар доим вазият, сабаб ва окибатлар багағасыл ва чукур таҳлил килинады. Институт журналистлари доимо жамиятимиздаги долзарб муаммоларга дохил мавзууларни ёритадилар. IWPR ўз материалларини янада кенгрок аудиторияга қай тарика таркатиш мүмкүнлигү ҳақида ўйлаб күрсә, ёмон бўлмасди.



Айзамбек Бешов, BBC Рус хизматининг Бишкекдаги мухбири

Менинг фикримча, IWPRнинг 2010 йилдаги репортажлари (апрель ойида содир бўлган тўнтириш ва Қирғизистон жанубидаги содир бўлган воеалар) маҳаллий оммавий ахборот воситалари учун ўрнакка айланиси керак. Улар мавзун ва можаҳога дохил барча томонларнинг нуктаи назарини ўзида акс этирганди. Менинчада, IWPR журналистлари “вазиятдан четлана олдилар” ва ўз ишларини професионал ҳамда тарафкашларкисиз бажара олдилар.



“ҚИРГИЗИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ҲАММА ФРОНТЛАР БЎЙИЧА БОСИМ ОСТИДА ҚОЛМОҚДА” МАХСУС РЕПОРТАЖИ

3 марта 2010 йил

Анара Юсупованинг Қирғизистондаги оммавий ахборот воситалари вазияти ва журналистларга бўлган ҳужумлар тўғрисидаги махсус репортажи қўплаб муштарийлар акс-садосига сабаб бўлди. Мақола 2009-2010 йилларда икки нафар кирғиз журналистининг ўлими қайд этилгани тўғрисида баён киласди – бишкеклик таникли журналист Геннадий Павлюк Олмаотада вахшиёна ўлдириб кетилганди, саккизта милиционер томонидан каттиқ калтакланган новқатлик журналист Алмаз Ташиев эса олган тан жароҳатларидан ҳалок бўлганди. Бундан ташкири, 2009-2010 йилларда турли пайтларда пойтахтдаги ва худуддаги маҳаллий ҳамда Россия нашрларининг ходимларига нисбатан ҳужум ва таҳдидлар бўлди. Масалан, Ўшдаги “Ўш оқшоми” газетасига ўқ гильзалири солинган посилик келган. Мақола бу вазият 2008-2009 йилларда катор муҳолифат газеталарининг ёпилиши билан биргаликда республикадаги медиа иклимга қанчалик таъсир қилгани ва бир пайтлар минтақадаги энг либерал мамлакат дея танилган Қирғизистон оммавий ахборот воситаларида ўз-ўзини цензура қилиш кучайиб боришига имкон яратиб бергани ҳақида ҳикоя киласди. Буларнинг барчаси республикадаги оддий фуқаролар томонидан қабул қилинаётган ахборот сифатида салбий акс этмоқда.




“ҚИРГИЗИСТОН РАСМИЙЛАРИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЕР ЭГАЛЛАБ ОЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА УРИНМОҚДА” МАХСУС РЕПОРТАЖИ

25 ноября 2010 йил

Қирғизистон расмийлари ўзбошимчалик билан ер эгаллаб олувчилик етоварида кетиб, уларга нисбатан кескин чоралар кўрмаяпти ёки вақтни чўзиш тактикасини кўллаяпти. Махсус репортажда Сабина Рейнгольд ва Исомидин Ахмеджонов 2005 йили Бишкек яқинидаги пайдо бўлган “Ақ Жар” мавзесидаги ва Ўш яқинидаги ерларни ўзлаштириб олишга ҳаракат қилаётган ер эгаллаб олувчиларнинг икки ҳамжамияти муаммосини ёритганлар. Уч минг киши истиқомат қиласидаги “Ақ Жар”га электр ва сув ўтказилмаган. Ўшлик ер эгаллаб олувчилик билан боғлиқ вазиятда эса мулкчилик масаласида муаммо туғилди, чунки улар эгаллаб олишини режалаган ерлар орасида фермерлик хўжаликлари ва маҳаллий ҳокимиятга тегишили ерлар бўлган. Бу аҳолиси яхши турмуш истагида чекка жойлардан йирик шаҳарларга интилаётган Қирғизистонда ўзбошимчалик билан ер эгаллаб олишларнинг янги тўлқинлари 80-йиллар охири 90-йиллар бошларидаги ҳамда 2005 ва 2010 йиллардаги ҳокимият алмашуви билан бир вактда содир бўлган. Айтидан, давлат бундай масалаларни ҳал қилиш бўйича ҳали ягона сиёсатни ишлаб чиқолмаганга ўхшайди.

ЭҢГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛЛАР

ТОЖИКИСТОН



ТӘЖІКСТАНДАҒЫ ОТБАСЫНДАҒЫ КҮШ КӨРСЕТУ ТУРАЛЫ ЗАҢ ЖОБАСЫ ТОҚТАП ҚАЛДЫ

16 октябрь 2010 йил

Манижа Қурбонова маколаси Тожикистандағы аёллар нодавлат ташкилотлари 10 йилдан буён оиласындағы зұравонлик хакида қонунни ўтказа олмаётганиңа багишиланған. Макола ушбу жуда мухим қонунни ўтказиши бүйіча янги ҳаракатларни фаоллаштырды. Гендер фаоллары, тадқиқотлар күрсатишича, Тожикистанда сүралған ереккәларнинг 47,1 фоизи аёлларнинг асосий вазифаси бола туғиши ва яхши үй бекаси бўлиш, дея хисоблашидан ташвишга тушиб қолганлар. Кўплаб муҳожирларнинг хотинлари билан ажрашиб, уларни ҳеч вақосиз колдириб кетаётгани сўнгти пайтларда кучайиб бораётган оиласындағы зұравонлик муаммосининг илдизларидан биридир. 2008

йилнинг январь ойидан то сентябрь ойигача Тожикистанда аёллар орасыда ўз жонига қасд қилиш бўйича 240 та ҳолат кайд қилинган ва бу “эпидемия”нинг асосий сабаби оиласындағы зұравонликнинг жазосиз қолаётганидир. Мазкур макола ва мамлакатнинг турли ҳудудларида ўтказилган давра сұхбатларидан сўнг нодавлат ташкилотлари вакиллари қонун қабул қилинишини тезлашишга муваффак бўлдиilar. Парламентда таркибига хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари ҳам кирган ишчи гурух ташкил этилди. Ҳуқук фаолларининг сўзларига кўра, оиласындағы зұравонлик тўғрисидаги қонун лойихаси 2011 йили қабул қилиниши керак.

ТОЖИКИСТОН

ГУАНТАНАМОНИНГ ИККИ СОБИҚ МАҲБУСИ ИШИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ЮЗАСИДАН ЧАҚИРИҚЛАР

23 июнь 2010 йил

Бу мақола 2010 йили IWPRнинг Тожикистонда энг кўп ўқилган мақоласи бўлиб, у жамоатчилик орасида катта акс-садога эга бўлди. Мақола интернет-манбалар ва маҳаллий матбуотда бир неча бор қайта босилди. Тожикистоннинг икки фукароси таъкидланган экстремистик гурухларга алокадорликда айбланиб, бир неча йилни АҚШдаги Гуантанамо қамоқхонасида ўтказган. Улар Тожикистонга қайтариб юборилган эса ватанларида 17 йиллик қамоқ жазосига хукм қилиндилар. Суд вакиллари айбловчиларда далил етарли бўлганини таъкидлашмоқда, аммо адвокатлар икки ёш йигит одамнинг савдоси қурбони бўлгани ва улар таъкидланган гурухларга ўз хошишлари билан киргани ҳакида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини айтмоқдалар. Кўп ўтмай, бу икки йигитнинг иши юкори инстанция томонидан қайта кўриб чиқилишига умид пайдо бўлди. Мақола муаллифлари Дабири Кабир, Далер Фуфронов, Парвина Ҳамидовлар ишини ҳамкаслари ва мустақил таҳлилчилар юкори баҳоладилар. Материални тайёрлашда гайриодатий ракурс ва одил судлов бўйича осон бўлмаган масалани ёритища таҳлилий ёндошувнинг танланиши мақола муваффақиятини таъминлади.



ТОЖИКИСТОНДА НОГИРОНЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ МУКАММАЛ ЭМАСЛИГИ

25 август 2010 йил

Муаллиф Давлат Шоэҳтибор “ишга лаёқатсиз” деган маълумотнома ишлашни хоҳлайдиган ва ишлаши мумкин бўлган кишиларнинг ишга киришига тўсқинлик килаётгани түғрисидаги мақоласи чиққанидан сўнг унга Эрондан бир журналист ҳамкаси қўнғироқ қилганини айтади. “Менга мақоламни Интернетдан ўқишгани ва уни қизғин муҳокама қилишганини ёзишибди. Улар менинг мақоламни асос килиб олиб, Тожикистондаги ногиронларнинг ишга жойлашиши билан боғлиқ муаммолар ҳакида ўз сюжетларини тайёрлашибди”, - дейди Шоэҳтибор. Мақолада кўтариб чиқилган мавзу маҳаллий журналистлар томонидан ҳам илиб олинган. Бунга мисол сифатида «Ховар» хукумат ахборот агентлиги сайтида чиққан “Ногиронлар ишлаш хукуқига эгалар” номли мақолани келтириш мумкин. Хукумат амалдорлари мақоладаги танқид ўринли эканни тан олдилар ва айни пайтда бунга алокадор қонунчиликни мукаммалаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилганини мъалум килдилар. Тожикистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги қошидаги Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлик ва миграция давлат агентлигининг меҳнат бозорини бошқариш бошқармаси раҳбари Ниёз Қурбонов хозирда унинг муассаси уччала гурух ногиронларига ҳам ишлаш хукукини берувчи янги қонун ишлаб чиқиши билан шуғулланаётганини мъалум қилди.


*Гулжаҳон Бобосодикова,
гендерлик ҳаракати фаоли,
“Университет маълумотига
эга бўлган аёллар” подавлат
ташкилоти раҳбари*

IWPRнинг оиладаги зўравонлик тўғрисидаги қонунни ўтказиш ҳакидаги мақоласи туфайли вилоятлардаги кўп одамлар ушбу қонунни кўллаш масадидла нодавлат ташкилотлари ўтказётган кампания ҳакида билиб олдилар. Бу ҳаракат қилишимиз учун бизга янги туртқида бўлди. Бизнинг чакирикларни эшитишди ва эндиликда биз мазкур қонун якин орада қабул килинади, деб далил айтишимиз мумкин.



*Хуршид Ниёзов, “Фараж”
газетасининг бош мухаррири*

Биз ўз газетамиз-да IWPRнинг Гуантанамо түғрисидаги мақоласини чоп қилганимиздан кейин муштариylардан тинимсиз қўнғироқлар бўлди. Макола жуда юкори даражада ёзилган. Таҳририятимизга муштариylар келиб, ўз миннатдорчиликларини билдириш учун уларни мақола муаллифлари билан танишириб қўйишни илтимос қилдилар.



ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛЛАР

ЎЗБЕКИСТОН



Елена Үрлаева, Ўзбекистон
ҳуқуқ ҳимоячилари алиянси
раҳбари

Сизга қилаётган ишингиз
учун катта раҳмат айтаман.
Сизнинг маколаларингиз
оркали мен Ўзбекистондаги
умумий вазиятни билиб ола-
япман. Мен сизлар билан би-
рор маълумотни ўртоқлашар
эканман, уни баъзи омма-
вий аҳборот воситалари-
га ушшаб ўзгартиртиб бермас-
лигинизни биламан. Сиз-
ларнинг ҳукукни ҳимоя
қилиш мавзусига мурожаат
қилаётганингиз биз учун кат-
та мадад. Бу Ўзбекистонда
фукаролик жамияти ривож-
ланиши учун катта ўтуқдир.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯШИРИН СУД МАҲКАМАЛАРИ

3 марта 2010 йил

Февраль ойи охирида Тошкент яқинидаги Чирчик туман судида конституциявий тузумга тажовуз қилиш, экстремистик ташкилотларда иштирок этиш, “миллий ва диний адват қўзғаш” да айланган ўн беш киши устидан яширин суд маҳкамалари бўлиб ўтди. Жиноий Кодекснинг ушбу моддалари 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилишни кўзда тутади. Бу суд Ўзбекистоннинг турли вилоятларида яширин тарзда ўтказилаётган ва судда ҳеч кимга иштирок этишга рухсат берилмаётган кўплаб маҳкамаларга бир мисолдир. Шу сабабдан ҳуқуқ ҳимоячилари кўлга олингандарнинг ҳукуклари бузилиётгани, жумладан, уларга нисбатан кийинкўлланилаётгани бўйича фактлар ошкор бўлмаслиги учун расмийлар бун-

дай суд маҳкамаларини яширин тарзда ўтказмоқдалар, дея тахмин қилмоқдалар. Ички ишлар идораларининг ходимлари: “Бизда диний экстремизм ғояларини тарғиб қилаётганлар (ташкилотлар) йўқ, дейиш аҳмоклиқдир. Улар усталик билан ўз карашларини никоблашади, мамлакат учун хавф туғдиришади”, демоқдалар. Бироқ ҳуқуқ ҳимоячилари бошқа маълумотларни келтиришмоқда. Дейлиқ, “Эзгулик” ҳукукни муҳофаза қилиш жамиятия раҳбари Васила Иноятова ўз ташкилоти иши Чирчик судида кўриб чикилаётган кишиларнинг кариндош-уругларидан элликка якин мактуб олганини айтади. “уларни қийонклар остида ўzlари килмаган жиноятларни бўйинларига олишга мажбуллашлари мумкин”, - дейди у.

ЎЗБЕКИСТОН

Надежда Отаева, Францияда жойлашган “Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари” ассоциациясининг раҳбари

Ўзбекистондаги воқеалар ўта кам шархланади. Айни пайтда муштарилар масъул шахслар экспертилар фикрига қандай муносабатда бўлаётгандар, инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқот доирасида қарорлар қандай кабул килинаётганини билдишлари мухим. Мен IWPR гаштарилилар ва экспертиларга нисбатан эътиборли бўлаётгани учун ўз миннагорчилигини билдиримчиман. Хавфсизлик нуткай назаридан очик чикиш килолмайдиган ҳамкасларимиз, қанчалик кийин бўлмасин, IWPR доимо ўз манбаларининг сир сақлашга эътибор қаратишини биладилар.



Алина Сагинбаева, CA-News агентлигининг директори


Биз Ўзбекистон ва Туркменистандан кенг кўйлами ва таҳлилий маколалар олишиша жуда кийналамиз. Наши журналисты боятся подписываться под такими материалами, а некоторые из них и вообще не способны писать аналитику. Бизнинг журналистлар бундай маколалар остига ўз имзоларини кўйишдан кўркишади, уларнинг баъзилиари эса умуман таҳлилий макола ёзолмайдилар. Бизни маколаларингизнинг мавзуси ҳам, сифати ҳам конквиради. Сизлар тезкор ва холис ишлайсизлар. Ишингиз учун раҳмат.



“ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ИНКОР ҚИЛМОҚДА” МАХСУС РЕПОРТАЖИ

24 сентябрь 2010 йил

Ўзбекистон фуқаролари қирғизистонлик ва тожикистонлик кўшнилари каби пул топиш учун тўп-тўп бўлиб хорижга - Россия, Қозогистон, Бирлашган Араб Амриклари, Жанубий Кореяга кетмоқдалар. Шунга қарамай, Ўзбекистон раҳбарияти фуқароларининг пул топиш мақсадида мамлакатдан оммавий тарзда чиқиб кетаётгани (хамда мигрантларнинг оиласига катта миқдорда пул юбораётгани) бўйича фактни тан олгиси келмаяпти, чунки, улар фикрича, мамлакат иқтисоди гуллаб-яшнамоқда. Натижада расмийлар мухожирлар ҳақ-ҳуқуқларининг риоя қилинишига эришиш бўйича ҳаракат қилишмайди, уларга пенсия ва нафака пули беришдан бош тортинади ва ўз фуқароларининг хорижда ҳуқуқлари бузилишига тўқнаш келган пайтда кўпинча бепарвоник қилишади. Ўзбекистон мустакил ҳуқук ҳимоячилари ташаббус гурухининг маълумотларига кўра, мамлакатнинг 2 миллиондан 5 миллионгача бўлган фуқароси пул топиш учун хорижга чиқиб кетган. Ҳар бир мухожир оиласига йилига ўртacha 1500 доллар миқдорида пул жўнатади. Мигрантлар уйларига қайтгач, ижтимоий таъминот тизимидан бутунлай чиқиб қоладилар. Муаммо шундаки, Ўзбекистондан қонуний рўйхатдан ўтган меҳнат мухожири сифатида чиқиб кетиши жараённи шунчалик мушкулки, натижада кўпчилик фуқаролар бу жараённи четлаб ўтиши афзал кўрадилар. Ҳуқук ҳимоячилари Ўзбекистон расмийлари мухожирларни қабул қилаётган мамлакат билан ҳеч бўлмаганда қонуний мигрантларнинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича келишиб олишлари ва меҳнат миграциясининг барча жиҳатлари белгиланган халқаро шартномаларни имзолаши кераклигини таъкидлашмоқда.



ТУҒИЛИШНИ ТАРТИБА СОЛИШ ДАСТУРИ АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ БУЗМОҚДА

11 сентябрь 2010 йил

Ўзбекистондаги ҳуқук ҳимоячилари фарзанд кўриш салоҳиятига эга бўлган аёлларни мажбуран стерилизация қилиш давом этатгани юзасидан хавотир билдиримоқдалар. Тошкентдаги экспертилар ишчи гуруҳининг маълумотларига кўра, 2010 йилнинг февраль ойида Соғликни сақлаш вазирилиги “фарзанд кўриш салоҳиятига эга бўлган аёлларни ўз хоҳишига кўра хирургик стерилизация қилиш тартибини бошқарадиган” 40-сонли маҳсус буйруқ чикарган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳар бир шифокорга иккитадан аёлни топиб, уларни ўз хоҳишига кўра стерилизация қилишга кўндириш, элликтака аёл беморни эса контрацептив кўллаши шартлигига ишонтириш вазифаси юклатилган. Ўзбекистон давлат статистикиса мャлумотларига кўра, 2010 йилнинг 1 апрелига келиб мамлакат аҳолиси сони 28 миллион кишини ташкил килган. Тахминларга кўра, 2015 йилга келиб мамлакат аҳолиси 33 миллион кишидан ошиб кетиши мумкин. Ўзбекистондаги кўплаб шифокорлар оммавий стерилизацияни бюджетда оналарга нафака пулини тўлаш учун маблағ этишмаётгани билан оқламоқдалар, гинекологлар эса аёллар бунга ўз ихтиёлари билан рози бўлаётгандарини айтмоқдалар. Аммо ҳуқук ҳимоячилари стерилизация доим ҳам ихтиёрий бўлмаслигини, уларда шифокорлар аёлларни стерилизация қилиш тўғрисида огохлантирмаганлари, кейин эса бундай жарроҳлик амалиёти аёлнинг саломатчилиги учун зарур бўлганини айтганлари бўйича қатор фактлар борлигиги таъкидлашмоқда.

ЭҢГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛЛАР

ТУРКМАНИСТОН



ТУРКМАНИСТОН ҲУКУМАТИ ОИТВ/ОИТС БҮЙИЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ КАМАЙТИРИБ КЎРСАТМОҚДА

12 январь 2011 йил

Расмий маълумотларга кўра, сўнгги 20 йил ичидаги Туркманистонда ОИТВга чалиниш бўйича атиги иккита ҳолат қайд этилган. Аммо “шифокорлар одамларнинг бу ҳасталикка дучор бўлиши бўйича ҳолатларни яширишга ҳаракат қиласидар” деган фикр бор. Бу касаллик ҳакида гапириш мавъи қилинган. “Шифокорлар гепатит, терлама ёки вабо каби касалликларни ҳам шамоллаш ва ўткир юқумли касалликларга қўшиб юбораяптилар”, - деди Тошховуз вилоятидан бўлган таҳлилчи. Ҳукуматнинг бу масалага бўлган умумий ёндошуви муаммонинг мавжудлигини бутунлай рад килишда акс этади. “Чегара билмас шифокорлар”нинг хисоботида “сил касаллиги ва жинсий йўл орқали ўтувчи инфекциялар, жумладан, ОИТВ/

ОИТС, расмий маълумотларда келтирилганига нисбатан анча кенг тарқалгандир ва Туркманистон ҳукумати асл вазиятни тан олишдан бош тортмоқда”, дейилади. Шунингдек, IWPR томонидан сўралганлар ОИТВга чалингандик тамғаси одамларни ўз макомларини яширишга мажбур килаётганини, улар шифокордан инфекция йўклиги ҳакида маълумтонома олиш учун пул тўлашга ҳам тайёр эканликларини таъкидлашди. Соғлиқни сақлаш масалалари ҳакида ёзадиган маҳаллий журналист шифохонада одамларнинг ОИТВга чалингани аникланса-да, ҳасталик мавжудни рад этиши бўйича умумий сиёсат туфайли касалликни юқтириб олганларга зарур муолажа кўрсатилмаслигини айтади.

ТУРКМАНИСТОН

Вячеслав Мамедов, Нидерландиядаги
Туркманистан фуқаролик демократик
уюшмасы раҳбари

IWPR ахолини Туркманистан каби ёпик мамлакатлар ичкарисида содир бўлаётган вазиятдан хабардор килиш бўйича жиддий кўмак кўрсаталти. Инсон ҳуқуқлари, кочкинлар ва сиёсий маҳбуслар вазияти билан боғлик маколалар ёзилишидаги холис ва объектив ёндошув шахсан менда хурмат хиссини уйғотади.



Саша Кулбаева, Инсон ҳуқуқлари ҳалқаро
федерацияси (FIDH) нинг Шарқий
Европа ва Марказий Осиё бўлими
раҳбари

Ўзбекистон ва Туркманистан бўйича жўнататтган маколаларингиз учун сизларга катта раҳмат. Маколаларингиз кизикарли бўлиб, улар бизнинг ишимизда катта фойда беряпти.



Сергей Хван, Бишкекдаги инглиз тилида
чоп этиладиган "The Times of Central
Asia" газетасининг муҳаррири

Биз кўп йилдан бўён IWPR маколаларини ўқиб келамиз ва уларнинг бир кисмини вакти-вакти билан кайта ўқиб чикамиз. Кўпинча биз сизларнинг Ўзбекистон ва Туркманистан бўйича иктисодий мавзудаги маколаларингизни оламиз, чунки бу ноёб маълумотdir. Ҳамма маколалар инглизчада жуда яхши ёзилган бўлиб, уларнинг тузилиши жуда профессионалdir. IWPRнинг features жанрини ёддан чикармайтгани хам мени хурсанд киласди.



ТУРКМАНИСТОНДАГИ НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЁРУҒЛИК НИШОНАСИ КЎРИНМАЯПТИ

13 август 2009 йил

Туркманистонда хокимият тепасига янги президент Қурбонкули Бердимухаммедов келганидан ва унинг каттиқ давлат назоратини юмшатиш бўйича берган ваъдаларидан кейин ҳам мамлакатдаги нодавлат ташкилотларининг вазияти яхши тарафга ўзгаргани йўқ. Кексаларга ёрдам кўрсатиш ва асаларичилик билан шугулланиш каби беозор максадларни кўзлаган ҳуқуқни химояловчи гурухларининг фаолияти ҳам ҳозиргача руҳсат бериб бўлмайдиган, дея каралади. Бундай ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш бўйича уларга рад жавоби беришда давом этмоқдалар. Бир карашда Туркманистонда бир неча юз ташкилот фаолият юритаётган соғлом фуқаролик жамиятия бордек кўринади. Аммо улар аёллар, болалар, ёшлар ва Улуғ Ватан уруши фахрийлари номидан фаолият юритаётган, ҳукумат институтлари томонидан молиялаштирилаётган ташкилотлар ёки санъат, спорт ва бизнесни кўллаоб-куватлайдиган ярим тижорий ташкилотлар бўлиб хисобланади. Бу ташкилотларнинг барчаси фаолияти мамлакат ҳукумати томонидан рўйхатга олиб ва назорат килиб борилади, шунинг учун улар рўйхатдан ўтишда ҳеч қандай муаммога дуч келмайдилар. Даже при таких условиях, по словам местного аналитика, только около 150 НПО, одобренных правительством на бумаге, фактически осуществляют свою деятельность, а остальные не существуют. Ҳатто шундай шароитда ҳам, маҳаллий таҳлилчининг сўзларига кўра, расмий рўйхатдан ўтган 150 га яқин нодавлат ташкилоти чиндан ҳам ўз фаолиятини олиб бораётпи, колгандари эса ишламаяпти. Бошқа нодавлат ташкилотларининг рўйхатдан ўтиш учун берган аризаларига ёки рад жавоби борилади, ёки улар йиллар давомида резолюциясиз қолиб кетаверади.



ТУРКМАН РАСМИЙЛАРИНИНГ ТУРАР- ЖОЙЛАРНИ БУЗИШ КАМПАНИЯСИДАН НОРОЗИЛИК

23 февраль 2010 йил

Ўтган йили Ашхободда истиқомат килувчи кўплаб кишилар ва вилоят марказлари ўз мол-мулкларидан маҳрум бўлдилар, чунки давлат плани бўйича уларнинг турар-жойлари ўрнида боғлар, масжидлар ва фавворалар курилиши режалаштирилган. Баъзи ҳолларда барча шарт-шароитга эга бўлган кўп қаватли баланд уйлар қуриш учун эски бир қаватли шахсий уйларни бузуб ташламоқдалар. Аммо янги қурилиш лойиҳалари сабабли уйлари бузилаётган туркманистонликлар аслида уларни турар-жойларидан мажбуран кўчиришаётганини айтаяптилар. Дейлиқ, ашхободлик кекса аёлни марказдаги шахсий уйидан шахар чеккасида жойлашган янги мавзедаги квартирага кўчиришган, аммо бузилган турар-жойи билан кўчирилган хонадони ўргасидаги фаркни тўлашмаган. Расмийлар бюрократик баҳоналар билан одамларга бузилган уйлари учун товон пули тўлашдан бош тортмоқдалар. Аксар ҳолларда одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишдан чўчишиади, чунки уларга босим ўтказилади. Исли ошкор этилмаслигини сўраган ашхободлик таҳлилчи ҳозир вазият Ниёз ҳукмронлигидаги одамлар баъзан турар-жойлари бузилиши тўгрисида олдиндан огохлантирилмаган даврдан кўра анча яхшиланганини айтади.



IWPR ТРЕНИНГЛАРИ

Лойиҳа амалга оширилган икки йил давомида IWPR Қозогистон, Қирғизистон ва Тоҷикистоннинг ўтирик шаҳарлари ва алоҳида туман марказларида нодавлат ташкилотлари ва оммавий аҳборот воситалари ишининг турли жиҳатлари бўйича 57 та тренинг ўтказди. Ўзбекистон ва Туркманистон вакиллари ҳам у ёки бу тадбирнинг ўтказилиши жойига қараб, тренингда иштирок этиши учун юқорида номлари келтирилган мамлакатларга келиб, ўқишида иштирок этдилар.

Умумий ҳисобда бир ярим мингдан кўпроқ киши ўқитилди. IWPR тренингларининг фарқли жиҳати шундаки, уларда ҳар бир тренер алоҳида олинган мамлакат ва минтақанинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсус ишлаб чиқилган модуллардан фойдаланади. Тренинг иштирокчилари уларнинг амалий қийматини қайд этдилар. Шунингдек, IWPR мамлакатлар орасида тренер алмашии амалиётидан ҳам фойдалана бошлади. Амалиёт кўрсатганидек, бу тренинглар сифатини ошириб, бошқа мамлакатдан келган мутахассис келтираётган маълумотга бўлган ишончни янада оширади. Таъкидаши жоизки, тренер алмашии амалиёти шарофати билан

Марказий Осиё эксперталари орасидаги минтақавий алоқа ривожланиб бормоқда.

Эътиборингизга Марказий Осиёда сўнгги икки йил давомида ўтказилган тренинг ишлари бўйича асосий унсурлар рўйхатини тақдим этамиз.

НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИ БЎЙИЧА PUBLIC OUTREACH ТРЕНИНГЛАРИ

Тренерлар:

Нуридин Қаршибоев, Тоҷикистон мустақил оммавий аҳборот воситалари Миллий ассоциациясининг раиси (Тоҷикистон), Ирина Чистякова, Caresd.net лойиҳасининг координатори (Қирғизистон), Абдумўмин Мамараимов, Қирғизистондаги "Voice of Freedom" жамоатчилик жамгармаси раёсатининг раиси, "Голос свободы" газетасининг бош муҳаррири (Қирғизистон), Елена Воронина, журналист, ҳуқуқ ҳимоячиси (Қирғизистон), Рухшона Олимова (Очиқ жамият институти – Тоҷикистондаги кўмак жамгармаси), Азалхон Алимов, Хўжанддаги Инсон ҳуқуқлари маркази юристи ва таҳлилчisi (Тоҷикистон).

Бу тоифадаги тренингларнинг асосий мақсади журналистлар ва маҳаллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш нодавлат ташкилотлари вакилларининг ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларни ёритишда самарали ҳамкорлик қилишга ўргатишидир. Тренинглар чорида иштирокчилар инсон ҳуқуқлари муҳофазаси масалаларини ёритиш ва олға суриш бўйича ҳамкорлик қилишнинг турли механизmlарини кўриб чиқдилар, жамоатчилик билан алоқа қилиш воситаларидан самарали фойдаланишни ва ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларни оммавий аҳборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос ҳусусиятларини ўргандилар. Тренинглар давомида иштирокчиларнинг ҳуқуқ муҳофазаси бўйича нодавлат ташкилотлари ва оммавий аҳборот воситалари ўртасидаги фаолияти давомида юзага келадиган типикроқ бўлган масала/муаммоларни синчилкаб текшириб кўриш ва уларни ҳал қилишнинг мавжуд йўлларини қидириш бўйича амалий машғулотларга алоҳида эътибор қаратилди. Тренерларнинг қайд этишларича, бундай тренингларда эътибор асосан амалий машғулотларга қаратилади, чунки бунда нодавлат ташкилотлари ва оммавий аҳборот воситаларидан келган иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича тажрибаси борлиги хисобга олинади. Ушбу тренинглар давомида оммавий аҳборот воситалари билан алоқани йўлга кўйиш, матбуот анжуманларини ташкиллаштириш ва интервьюлар ўтказиш каби масалалар батафсил таҳлил қилиб чиқиди. Тренинг иштирокчиларининг қайд этишларича, "улар бундай билимларни хеч каерда ўрганмаганлар, натижада жамоатчилик билан алоқани ўз билгандарича қурғанлар". Тренинглар шарофати билан мияда харакат режалари тугилади. "Ушбу тренинг биз – ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистларга умумий туташ нукталарни кўрсатиб берди. Айниқса, тренерлар тажрибасини ва мисолларни ўрганиб чиқиш, ин-

Лариса Янина, Таджикўргондаги "Диалог" газетасининг журналисти

IWPR тренинглари шарофати билан мен ўз соҳамдаги жамоатчилик ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаб олдим. Биз бирга тренингларда катнашдик ва хозирда иш бўйича ҳамкорларга айландик. Эндиликда бизнинг газетамиз шаҳримиздаги "Жас сил эл" ёшлар ташкилотига аҳборот кўмагини кўрсатмоқда. Журналистларимиз эса уруш фахрийларига ёрдам кўрсатадиган "Ардагер" клуби тадбирларини кенг ёрита бошладилар.



RFE/RU

IWPR ТРЕНИНГЛАРИ

сон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги долзарб мавзуларни муҳокама қилиш жуда фойдали бўлди. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида инсон ҳуқуқлари муҳофазаси масаласини олға суриш бўйича расмийларга самарали таъсир ўтказиш мумкин экан”, - дей ўз фикри билан ўртоқлашди “Килим шами” инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ташкилотининг Жалолобод вилояти бўйича маркази координатори Абдуназар Маматсламов. Тренинг натижаларидан бири оммавий ахборот воситалари ёрдамида инсон ҳуқуқлари муҳофазаси масаласини олға суриш бўйича расмийларга самарали таъсир ўтказиш мумкинлигини англаш бўлди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТИКАСИ БЎЙИЧА ТРЕНИНГЛАР

Тренерлар:

Андрей Гришин, Вячеслав Абрамов (*Freedom House Қозогистон*),
Улугбек Бобокулов, “МК-Азия” газетасининг бош муҳаррири, Лейла
Саралаева, *AP* муҳбари, Аида Қосималиева (*IWPR*), Дина Тўкбаева
(*IWPR*), Игорь Горбачев (*IWPR*), Лола Олимова (*IWPR*) ва Хуршед
Атовулло, “Фараж” газетасининг бош муҳаррири.

Амалиётчи журналистлар ҳамда ҳуқук муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлар ходимлари ҳукуқни ҳимоя қилиш мавзуларини оммавий ахборот воситаларида журналистиканинг ҳалқаро меъёллари бўйича қандай қилиб ёритиш кераклиги бўйича ўқишидан ўтдилар. Бу тренинглар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш журналистикасининг “ошхона”сини – унинг услублари, нозик жиҳатлари, жумладан, журналистик текширувлар чоғида журналистлар ва ахборот манбалари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг турли жиҳатларини билиб олишга имкон яратади. Бу тоифадаги тренинглар иштирокчилари инсон ҳуқуқлари журналистикаси бўйича назарий билимлар, ишнинг асосий принциплари ва унга бўлган ёндошувни синчилкаб ўрганиб чиқдилар. Тренерлар иштирокчилар билан ҳуқук муҳофазаси масалаларини турли жанрларда ёритиш бўйича амалий тавсиялар билан ўртоқлашдилар. Тренинглар давомида асосий эътибор ҳуқук муҳофазаси мавзуларини ёритишида қандай хатоларга йўл кўймаслиг кераклигига, ахолининг заиф қатламлари билан ишлашда қандай механизмларни ишлатиш мумкинлигига ва ахборот кенг доирадаги муштариylарга қизиқ бўлиши учун уни қандай қилиб ёритиш кераклигига қартилди. Тренерлар юридик жиҳатлар, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари мамлакатларнинг миллий конунчилиги ва ҳалқаро ҳуқук меёrlарида қандай акс этганига алоҳида эътибор қаратадилар. Иштирокчилар судга мурожаат қилиш ва апелляцияга топшириш, жумладан, ҳалқаро институтларга мурожаат қилиш бўйича конкрет кўрсатмалар олдилар. Бу тренинглар кўп ғоялар беради ва ғайрат кайфиятини юқтиради, - дей ўртоқлашадилар тренинг иштирокчилари. Гурухлардаги ўзаро ҳамкорлик ва тренер билан мулокот вазиятни, ўз кучини теран баҳолаш ва одатий нарсаларга бошка ракурсдан қарашга ёрдам беради. IWPRнинг инсон ҳуқуқлари журналистикаси бўйича тренингларидаги яна бир ижобий жиҳат бу Марказий Осиёнинг турли мамлакатларидан келган ҳамкасларрга ва ҳуқук ҳимоячиларига ўзаро танишиш имкониятини яратиб беришидир. Амалда йиллар давомида жамлаш мумкин бўлган билимларни бу ерда бир неча кун давомида олиш мумкин. Мазкур тренингнинг кўплаб иштирокчилари кейинчалик IWPR журналистлари бўлиб ишлай бошлайдилар.

ИНТЕРНЕТ САВОДХОНЛИК ВА ЯНГИ МЕДИА БЎЙИЧА ТРЕНИНГЛАР

Тренерлар:

Вячеслав Мамедов, *Туркманистон фуқаролик демократик ўюшмаси раҳбари* (Нидерландия),
Адил Нурмаков (*Global Voices Online*), Бектур Искендер (*Kloop*), Ринат Тухватшин (*Kloop*).

Бу тоифадаги тренингларнинг асосий мақсадлари Интернетнинг фаол фойдаланувчилари бўлган ҳуқук ҳимоячилари ва журналистларни Интернетда ишлашнинг ўзига яраша хавф-хатарларидан огоҳлантириш ва шахсий ҳамда тижорий характердаги маълумотларни ҳимоя қилиш усувларига ўргатишидир. Уч кунлик тренинг давомида ҳар бир иштирокчига олган билимларини мустаҳкамлаш учун амалий машғулотларни бажариш таклиф этилди. Бу тренингга тренер сифатида турли мамлакатлардаги ҳуқук фаолларини мазкур мавзу юзасидан ўқитиш бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлган Туркманистон фуқаролик демократик ўюшмаси раҳбари Вячеслав Мамедов таклиф этилди. “Сизнинг электрон ёзишмангиз учинчи шахсларга ҳам ошкор бўлиши доим долзарблигича колаверади. Энг ёмони эса, электрон почта эгаси бундан хабари бўлмаслиги, шу важдан ҳам ўз маълумотлари ҳимояси учун хеч қандай механизмлар кўлламаслиги мумкин”, - дейди Мамедов. Тоҷикистон вакили, инсон ҳуқуқлари ва конунчиликка риоя қилиш бюросининг юристи Худоназар Мамадназаров мазкур тренингда “илк бора ўзи учун кўп нарса кашф қилган”ини таъкидлаб ўтди. “Авваллари мен IT-соҳасида етарлича билимга эга эдим, чунки менинг жамо-

Бектур Искендер, Kloop Media ҳаммуассиси ва муҳаррири, ҳуқук муҳофазасида янги медиалардан фойдаланиши бўйича тренер

IWPR учун тренерлик килиш менга Марказий Осиён ҳуқук фаоллари билан танишиш имкониятини берди, бу эса мен учун жуда кимматли нарсадир. Афсуски, бизнинг мамлакатда жамиятнинг аксар кисми ҳуқук ҳимоячиларига нисбатан холис бўлмаган муносабатдлар – уларни грантхўрлар, деб аташади. Мен бундай стереотиплаштиришга ҳеч қаочон берилмасликка харакат килганман, аммо улар билан бевосита ишлаш мен учун минтака мамлакатларнинг кўплаб худудларида ишлаттиган ҳуқук фаоллари (асосан улар жуда жасур кишилардир) аслида давлат органдари бажариши керак бўлган ишларни бажаришаётганини яна бир бор тасдиклиди.



IWPR ТРЕНИНГЛАРИ

Рухиона Олимова, Очиқ жасамият институти – Тожикистондаги кўмак жамгармасининг оммавий аҳборот воситалари дастури координатори, тренер.

2010 йили мен хукук фаоллари учун алоқа стратегияларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш бўйича бир неча тренинг ўтказдим. Тренинглар Душанбе, Хўжанд ва Кўрғонтекада бўлиб ўтди. Кўпчилик хукук фаолларида алоқа стратегиялари бўйича тушунчанинг йўклиги, матбуот варакчаси ёза олмаслиги ёки матбуот аникуманини ўтказа билмаслиги мен учун хакиқий кашфиёт бўлди. Ваҳоланки, улар катта ва жиддий ишни амалга ошираётидилар. IWPR билан ҳамкорлик чекка жойлардаги нодавлат ташкилотлари фаолияти ҳакида тасаввур хосил килишим учун ёрдам берди. Мен ана шундай ташкилотларнинг 90 дан зиёд вакили билан танишдим. Тренингларнинг баъзи фаол иштирокчилари мен билан ҳалигача алоқада бўлиб, ўз мувваффакиятлари ҳакида менга хабар бериб, оммавий аҳборот воситалари билан алоқа килиш масалалари юзасидан маслаҳатлашиб туришади. Шуниси кизиқки, чекка жойлардаги хукук фаоллари анча фаол бўлиб, улар ўз муммомлари ҳакида, уларни бизнинг ёрдамиимизга ҳал килишга умид килиб, торгинмай айта оладилар.



атчилик бирлашмасидаги фаолиятим бу билан тифиз боғлиқ эди, аммо бу ерда мен аввалги билимларим етарли эмаслигини тушуниб етдим. Йирик ва фаолиятини эндинигина бошлаган жамоатчилик бирлашмалари ходимлари, хукуқ химоячилари ва журналистлар учун мўлжалланган бундай тренингларни мунтазам равишда ўтказиб туриш керак. Тожикистон учун бундай тренинглар камдан-кам учрайдиган ҳодиса”, - деди Мамадназаров. Тренинг иштирокчиси, “Zonakz.net” интернет-газетасининг журналисти Владислав Юрицин: “Бу тренинг Интернетда ишлаш соҳасидаги менинг билимим даражасини анча ошириди. Амалий машғулотлар ёрдамида мен аввал эшишиб юрганларим ҳакида тўла тасаввурга эга бўлдим. Бу мен ишлаётган таҳририят учун аниқ фойдали бўлади”, дей қайд этди. Тадбир иштирокчиларининг сўзларига кўра, IWPR тренингларида олган тавсия ва билимлар уларнинг келажакда Интернетда ишлашлари учун фойдали бўлади. Тренинг материаллари ҳаммага тушунарли тилда ёзилгани ҳам алоҳида таъкидланди. Иштирокчилар хукуқ химоячилари ва журналистлар орасида интернет-захиралардан саводли фойдаланиш маданиятини яратиш ва унга кундаклик иш давомида амал қилиш кераклиги ҳакида ўз мулоҳазаларини баён килдилар.

РАДИОЖУРНАЛИСТИКА БЎЙИЧА ТРЕНИНГЛАР

Тренерлар:

Шаҳодат Соибназарова, *IWPR* (Тожикистон), Искандар Фируз (Тожикистон), Сабир Абдимўунов, “Биринчи радио” бош мұхаррiri (Киргизистон), Каарманбек Кулуве, *IWPR* (Киргизистон), Зебо Тожибоева, *IWPR* (Тожикистон), Нурлан Абдалиев, *IWPR* (Киргизистон), Назгул Жамғирчина, жамоатчилик телерадиокорпорациясининг радиоёйинлови бош мұхаррiri (Киргизистон).



IWPR радиоматериаллар тайёрлаш ва радиода бевосита эфир режиссураси технологиялари бўйича маҳсус тренинглар ўтказмоқда. Тренингларни IWPR радиомуҳаррирлари, шунингдек, таклиф этилган радио ходимлари, радиоёйинлов режиссёrlари, овоз режиссёrlари, ижтимоий ва тижорий аудиороликлар тайёрлаш бўйича экспертлар олиб бормоқдалар. Тренерлар бевосита эфирда янгиликларни узатишнинг ўзига хос хусусиятлари, радиосюжетлар тайёрлашда интершумдан самарали фойдаланиш ҳакида гапириб бердилар. “Радиожурналист материални чиройли мусикий-бадиий безак билан бера олиши жуда мухим. Шунингдек, у эфирнинг техник жиҳозланиши билан бир каторда хабар билан бирга ҳам ишлай олиши керак”, - дейа таъкидлашади тре-

нерлар. Тренинг чоғида иштирокчилар мамлакатдаги радиостанциялар эфирларини таҳлил қилишади, радионинг янги техник воситаларини ўзлаштиришади. Шунингдек, тренингларда журналистлар янгиликлар тайёрлаш маҳоратини ўрганадилар, бу эса келажакда уларнинг кўпчилигига IWPR радиоси контрибутори бўлиб ишлашга имкон беради. “Радиоёйинлов автоматизацияси - мана биз нима устида ишлшимиз зарур, бу билимларимизни анча ошириди. Тренинг давомида биз эфир режиссёri ва янгиликлар эфирга узатадиган диктор бўлиб кўрдик. Аммо тренингларнинг атиги икки кун бўлгани етарли бўлмади, улар учун кўпроқ кун ажратилишини истардим”, - деди IWPR радиотренингларининг киргизистонлик иштирокчиси Улан Сўлтобек ўғли.

ҚОЗОҒИСТОН

ҚОЗОҒИСТОН ПОЛИЦИЯСИ ДИССИДЕНТЛАРНИ ЖИННИХОНАГА ТИҚИШ БИЛАН ТАХДИД ҚИЛМОҚДА



Қозғистон хукумати мамлакат обрў-эътибори ҳақида қайтураётган бир пайтда, чекка жойларда ишлаётган полиция ходимлари хукумат танқидчиларига мажбуран руҳий касалликлар шифохоналарига тиқиши билан таҳдид қилмоқдалар.

Режим танқидчилари ёки муҳтамал тинчликни бузувчиларни жиннихоналарга тиқиши 20 йил аввал совет тузуми қулаши билан бекор бўлганди, аммо қозғистонлик хуқук ҳимоячилари полиция ҳалигача курашнинг ана шундай усуулларидан фойдаланаётгани ҳақида маълум қилмоқдалар.

Хозирги даврда бундай амалиётнинг ўзига хослиги шундаки, расмийлар уни таникли журналистлар ёки муҳолифат вакилларига нисбатан кўллашдан кочадилар. Улар бундай амалиётни асосан вилоят даражасидаги фуқаролик жамияти фаоллари ва пойтахтдан йирок бўлган шаҳарларда ўз хукуклари ҳимояси бўйича кампания олиб бораётган айрим кишиларга нисбатан кўллайдилар.

Совет давридагидан фарқли ўлароқ, хозирги шифокорлар расмийлар етовида кетмай, текширув натижасида ҳеч қандай нуқсон аниқланмаган кишиларга мажбурий даволанишини тайин қилишмайди.

Декабрь ойида марказий Қозғистоннинг Қарағанда шаҳрида полиция 64 ёшли Александр Бондаренко кўлга олди. У Қарағандадаги жиннихонага юборилди.

Ўз эътиқодига содик коммунист Бондаренко шаҳар марказий хиёбонидаги Владимир Ленин ҳайкалининг бузилишига қарши ўтказган норозилиги учун хибсга олинганди.

Уни уч кун давомида вилоят руҳий касалхонасида саклаган шифокорлар Бондаренко атрофдагиларга хавф туғдиргани боис руҳий холати бўйича мажбурий текширувдан ўтиши кераклиги ҳақида полициядан хат олганларини

маълум қилишган.

“Шифокорлар менга ҳеч нима хавф солмаётганини айтишди”, - деди Бондаренко уни даволанишга мажбурлашмаганини кўшимча киларкан.

Озодликка чиқиши биланоқ Бондаренко ўзига нисбатан ножоиз муносабатда бўлганлари юзасидан полицияга шикоят киласди, аммо «жиноят унсури йўқ деган» баҳона билан жинойиши очишдан бош тортадилар.

Бу Бондаренконинг касалхонага мажбуран ётқизилиши билан боғлиқ иккинчи ҳолатdir. Биринчи марта у бундан беш йил аввал Қарағандадаги кончиларнинг норозилик акциясини кўллаб-кувватлагани учун кўлга олинганди.

Шунга ўхашаш ҳолатлар либерал кайфият кучли бўлган кўмир қазиб чиқарадиган асосий шаҳар - Қарағандада кайд этилган. 2010 йилнинг октябрь ойида Қарағанда яқинидаги Шахтинск шаҳридаги “Шахтерская семья” жамоатчилик ташкилотининг раис ўринбосари Тохир Мухамедзянов полиция воситачилиги билан руҳий касалхонага тушиб колди. Шифокорлар бу сафар ҳам унинг эс-хуши жойидалигини аниқлаб, касалхонадан чиқиб кетишига руҳсат бериши.

2007 йили Анатолий Прилепскийни Совет Иттифоқи сакланиб қолиши бўйича референдум йиллигига багишинган митинг ташкил этишига уринганлиги учун бир хафтача Қарағандадаги касалхонада ушлаб туришди.

Бундан полиция тартиббузларларга “руҳан нософлом” тамғасини босишига уринаётиди, деган таассурот пайдо бўлмоқда. IWPR бундай буйруқ бўлган-бўлмаганига аниқлик киритиш максадида Қарағанда вилоят ички ишлар департаментига расмий талабнома юборди, аммо давлат мусассасалари бу каби талабномага уч кун давомида жавоб бериши кераклигига қарамай, унга жавоб келгани йўқ.

ҚОЗОҒИСТОН

Қарағанда шаҳри психоневрологик диспансерининг бош шифокори Қайрат Абдрахмонов полиция фуқароларни даволаниш учун келтириши билан боғлиқ ҳолатлар бўлиб туришини тасдиқлади. Аммо бу ўша кишиларнинг қариндошлари шахсий хавфсизлик учун полициядан уларни кузатиб боришни сўраган пайтларда амалга оширилади. Шунга қарамай, у январь ойидаги фуқароларни касалхоналарга мажбурий ётқизиш бўйича келиб тушган аризалар асосида прокурор текшируви бўлиб ўтгани ва ҳеч қандай қонунга зид ишлар аниқланмаганини қайд этди.

“Даволаниш учун касалхонага мажбурий ётқизиш бу жиддий масалалигини тушунамиз, шунинг учун биз қонун доирасида ишлаймиз”, - деда кўшимча қилди Абдрахмонов.

Инсон ҳуқуқлари бюросининг Қарағанда филиали директори Юрий Гусаков бу ерда совет даврида сиёсий маҳбуслар сакланган Гулаг лагери жойлашганини эслатиб ўтди.

“Норозиларни касалхоналарга жойластириш каби аҳмоқона амалиёт бизнинг полициячилар томонидан ҳалигача кўлланиб келинмоқда, - деди у. – Айни пайтда кўпинча бунга асос бўлмайди”.

Мамлакат гарбидаги Уралск шаҳрида истикомат килувчи Александр Пуздриков полиция уни содир қилмаган ишида айлашга уринганини таъкидлайди. Ҳозир 37 ёнда бўлган Пуздриков болалар уйининг битирувчиси бўлгани боис қонунан унга тегишли бўлган турар-жойни олишга уриняяти.

6 январь куни у Уралск шаҳрида Қозогистон президенти Нурсултон Назарбоеv ваколатларини узайтиришига қаратилган референдумга қарши ўтказилган кичик норозилик акциясида қатнашган. Акциянинг бошқа иштирокчилари бўлган журналистлар ва мухолифат вакиллари кўлга олингандар, жаримага тортилганлар ёки беш кун давомида ҳисбда сакланганлар. (“Қозогистон: фуқаролик позициямни ифода қиласман, журналист Санат Урналиевнинг норозилик акцияларида иштирок этиш тажрибаси” мақолосини ўқинг).

Пуздриков полиция уни ҳисбга олиш чоғида унинг ёнига наркотик моддаси ташлаб кўйгани ва у полиция ходимлари билан бирга психиатрик касалхонага бориб, даволанишдан ўтишга розилик бериш ҳақидаги

қоғозга кўл қўймаган тақдирида тегишли айблов кўйиш билан таҳдид қилишганини таъкидлайди. Аммо марказ шифокори хulosада бемор даволанишга муҳтож эмаслигини ёзиб берган ва Пуздриковни қўйиб юборишган.

Уралскдаги вилоят ички ишлар департamenti ходимлари мазкур мажарода уларнинг ҳеч кайси бири иштирок этмаганини таъкидлаб, бунга изоҳ беришдан бош тортдилар.

Ҳозир Пуздриков полиция устидан прокуратурага шикоят аризасини топширди.

Қозогистоннинг чекка шахарларидағи бундай ҳолатлар кўпинча эътиборсиз колиб кетади, аммо 2007 йили мамлакат жанубидаги Чимкент шаҳридан бўлган ёзувчи Нурлан Алимбековнинг кўлга олиниши оммавий ахборот воситалари ва ҳуқук мухофазаси ташкилотлари, жумладан, Нью-Йоркда жойлашган Хьюман Райтс Вотч (Human Rights Watch) иштирокидаги кампания бошланишига сабаб бўлди. Алимбеков, таъкидлашларича, президент Назарбоевномига ҳақорат ва миллатлараро низо кўзғашга чакириклар битилган электрон хати учун маҳсус психиатрик касалхонага жойлаштирилган.

Афтидан, ҳалқаро реакциядан сўнг расмийлар мамлакат миқёсида дисидентларни ҳибса саклаш учун психиатрик тизимдан фойдаланишдан воз кечган кўринади.

“Расмийлар ўз ҳатоларидан хулоса чиқаргандарни ва исталмаган ҳалқаро норозилкларни келтириб чиқаришни хоҳламасликлари аниқ, - деди IWPRга мустакил журналист Андрей Свиридов. – Аммо ҳеч нарса ўзгартмаган чекка жойлардаги вазият умуман бошкacha ва у ерларда ҳуқук-тартибот органлари кўнгилларига келган ишни қилишга ўрганиб колганлар”.

Свиридовнинг сўзларига кўра, полиция нишони нодавлат ташкилотлари фаоллари, сўл қарашдаги мухолифат тарафдорлари ва шахсий мақсадларни кўзловчи шахслар бўлиб ҳисобланади.

“Улар бу норози фуқаролар ҳалқаро кампания ўтказилишига сабаб бўлувчи кимсалар эмаслигини жуда яхши тушунадилар”, - деда кўшимча қилди у.

Андрей Гришин, Қозогистондаги Инсон ҳуқуқлари ва конунчиликка риоя қилиш бюроси ходими.

ЖАНУБИ ПАХТА



ҚОЗОҒИСТОН ОБЪЕКТИВДА

ЖИЙ ҚОЗОҒИСТОН ДАЛАЛАРИДАГИ МИГРАНТЛАР



*Фотосурат
муаллифи:
Валерий Калиев.*
*Фотосуратлар 2010
йилнинг октябрь
оиida Чимкент
яқинидаги Жетисой
шахрида олинган.
Фотосуратлар
IWPRning 2011 йил
март оиida Душанбеда
оиласвий зўравонлик
мавзусига багишланниб
үтказилган
минтақавий давра
суҳбати доирасида
“Марказий Осиё
аёллари. Ошлидаги
зўравонлик. Миграция.
Қашлоқлик” номли
кўргазмада намойиш
қилинган.*



ҚИРГИЗИСТОН

ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ТҮҚНАШУВ ҲАЛИГАЧА СЕЗИЛАЁТГАН БҮЛИНИШГА ОЛИБ КЕЛДИ



Қиргизистон жанубида ўтган йилги этник түқнашувлар етказған жароҳат ҳали ҳам битіб кетгани йўқ, икки жамоат ўртасидаги бўлинниш давом этмоқда, маҳаллий ахоли эса ўз хавфсизлиги ва келажагидан хавотирда.

Тўқнашув юзага келиши юзасидан узоқ текширувлар натижалари бўйича маълумотлар пайдо бўлиши баробарида IWPR жанубий ҳудудларда яшовчи турли миллат вакилларидан бир неча кун ичida тўрт юздан ортиқ қишини ҳаётдан олиб кетган фожеавий воқеалар, ёнгин ва талончиликлардан ярим йил ўтганидан кейин вазиятга баҳо беришни сўради.

Давомий бекарорлик хисси ҳамда Ўш, Жалолобод шаҳарлари ва уларнинг ён-атрофлари иктиносидай жиҳатдан жуда секинлик билан тикланаётгани нафақат этник ўзбеклар, балки қирғизлардан ҳам иборат аҳолининг оммавий равишда бошқа жойларга кетишига сабаб бўлмоқда. Улар ўз билим ва малакалари бу ердан кўра бошқа жойларда кўпроқ аскотади, деб хисобламоқдалар. Шундай килиб, бўхрон Қиргизистон жанубида шунингсиз ҳам юқори бўлган ишсизлик даражаси ва ташқи миграцияни кучайтириб юборди, ишбилиармонроқ бўлган ходимларнинг кетиши эса маҳаллий аҳолининг малакасизлашувига олиб келиши мумкин.

Махсус комиссия 2010 йилнинг июнь ойида содир бўлган тўқнашув сабаблари ва оқибатларини кўриб чиқиши билан шуғулланмоқда, бирор 11 январь куни унинг раиси Абдигани Эркебаев томонидан тақдим этилган комиссия хulosалари бу маълумотлар кутилгани каби тўлиқ бўлмаганини билдирган айrim ноҳукумат ташкилотлари тарафидан танқидга учради.

Фактларга келсак, Эркебаевнинг сўзларига кўра, курбонлар сони 426 нафар қишини ташкил қилиб, улардан

факат 381 нафарининг шахси аниқланган. Уларнинг 276 нафари ўзбек, 105 нафари эса қирғиз миллатига мансуб кишилардир. Тўқнашувлар чогида яна 2200 нафар қиши тан жароҳати олган, ўт қўйиш ва талончилик орқали етказилган иктиносидий зарар эса 85 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Эркебаев сўзларига кўра, комиссия воқеаларнинг юзага келиши бўйича асосий айни тадбиркор ва ўзбек жамоати орасида машхур бўлган Қодиржон Ботиров ва 2010 йилда ҳалқ норозилик намойишлари натижасида кулатилиб, мамлакатни тарқ этган президент Қурмонбек Бакиевнинг кариндошлари зиммасига юклиди. Бундан ташкари, тўқнашувни уюштирганликда гумонланганлар сирасига уюшган жинойи гурухлар, банг моддалари сотиш билан шуғулланувчи шахслар, диний экстремистлар ва мамлакат ташкарисидаги кимлиги айтилмаган “учинчи кучлар” киради.

Комиссия, шунингдек, Бакиевнинг ўрнига келган мувакқат маъмурият ҳамда мамлакат жанубидаги маҳаллий расмийларни яқинлашиб келаётган оғат нишоналарига эътибор бермаганликда айлади. Хавфсизлик кучлари тўқнашув чогида ишлатилган курол-аслаҳалар эгаллаб олинишининг олдини ололмади, дея билдирид комиssия.

Текширув комиссияси аёзларида бири, ҳуқуқшунос Нурбек Тўқтақунов ҳисоботдан четланиб, уни имзолашдан бош тортди. У ҳисоботнинг юзаки экани ва фожеавий воқеалардан кейин суд жараёнлари қандай олиб борилаётгани бўйича хulosаларни ўз ичига олмаганлигини айтди.

“Агар комиссиямиз кийноклар ва (бошка) жиноий-процессуал тартиблар бузилаётгани ҳақидаги маълумот-

ҚИРГИЗИСТОН

лар юзасидан фикр билдирганида эди, жамоатчиликда вазият ўзгариши мумкинлигига умид пайдо бўлган бўларди” – деди у.

Маълумки, аввалрок Тўқтақунов судда оммавий тартибсизликлар ўюнтирганликда айбланиб, умрбод қамок жазосига хукм қилинган хукуқ фаоли ва этник ўзбек Азимжон Аскаровни химоя қилганди. Ўзбекистонлик ва кирғизистонлик хукуқ химоячилари бирлашмаси бўлган

“Ўш ташабуси”нинг муқобил ҳисоботи этник ўзбеклар мунтазам равишда хужумга учраганлари, кейин эса суд текширувлари чоғида уларни жиноячига чиқариб қўйганларини қайд этади.

Миллий комиссия иши натижалари бўйича қиска шархлар тақдим этилишидан аввалрок сўралган жанублик ўзбеклар марказий ҳокимият уларни ёлғиз ташлаб қўйгани ва уларни химоя қила олмаслигини ҳис килаётгандарини, маҳаллий расмийларнинг маъкуллагандай жим туриши натижасида, зўравонликнинг асосий оғирлиги маҳаллий ўзбеклар зиммасига тушганига қарамасдан, улар тўқнашувнинг ягона айборлари сифатида кўрсатиласетганини айтганлар.

Кирғизистон жанубида яшовчи кирғизлар учун ҳам, ўзбеклар учун ҳам 2010 йилдаги зиддият етказган жароҳат ва иқтисодий таназзул ҳалигача реаллик бўлиб қолмоқда.

Расмий статистикага мувофиқ, зиддиятдан кейин ўтган дастлабки уч ой мобайнида мамлакат жанубини 37 мингдан зиёд киши тарк этган, бироқ сиёсатшунос Иқбол Мирсаидов бу ракам ҳақиқий аҳволни акс эттираслигини қайд этади. Унинг ҳисоб-китобига кўра, кетганларнинг ярмидан кўп ўзбеклар бўлиб, уларнинг аксарияти Кирғизистондан Россияга кетганлар. Кирғизлар ҳам кетаяпти, бироқ улар одатда мамлакат пойттахи бўлмиши Бишкек шаҳрига йўл олмоқдалар.

Жамоатлар ўртасида ҳалигача ёвкараш сакланиб қолмоқда ва IWPR томонидан сўралган фукаролар бўлиниш кайфияти ишончсизлик ва шубҳа-гумонларни юзага келтираётгани ва иқтисодий тикланишни тўхтатиб турган омиллардан бири бўлиб қолаётганини айтмоқдалар.

Ўнда кафеси бўлган ўзбек тадбиркори IWPRга Россияга бутунлай кетиш олдидан ишларини битириб олиш учун гина шахарга қайтганини айтди.

У бундай ошиғичлик сабаби нима билан изохланишига ҳам тўхталди. “Тўқнашувдан кейин август ойида иш бошлаганимдан бир неча кун ўтиб-ўтмай олдимга жиноий гурухларнинг бир неча вакили келди. Улар менга тўппонча ўқталиш билан таҳдид килиб, кафени уларга топширишимни талашиб қилиш, - деди у келганлар ўзини миллий асосда ҳақорат қилганларини қўшимча қиларкан. - Мен хотиним ва уч боламни олиб, дарҳол нарсаларимизни йиғишириб, Россиядаги қариндошларимизникига жўнадим”.

Ўзини Абдумалик деб таништирган ўшлик курувчи тиҷорат ишлари тўхтаб қолаётгани ҳамда шаҳарда бемалол юра олмай қолгани туфайли унга оиласини боқиши учун пул топиш тобора кийинлашиб бораётганини айтди.

“Мен ўзим яшаган мавзе ташқарисида ишлай олмаяман, ўз ҳаётим ва соғлиғимдан ташвишланаяпман, - деди у. - Бальзан ҳаммасига кўл силтаб, Россияга кетворгим келади”.

Юқ машинаси ҳайдовчиси ўшлик Ҳикматилло ҳам шунга ўхашаш хавотирларни билдиради.

“Июнь воқеаларидан кейин кўп одамлар тўқнашув тақрорланишидан ҳамон чўчиб яшамоқдалар... Айрим (ўзбеклар) туғилган уйларини сотиб кетаяптилар, - деди у. - Айтишларича, баҳорда яна одамларнинг бир кисми кетиши мумкин экан”.

Жалолободлик ҳусусий тадбиркор Марат Нуралиев турмуш изга тушаётганини, бироқ одамлар хали ҳам унча хотиржам эмасликларини айтди.

«Одамлар Янги йилда отилган пакилдоқлардан ҳам вахимага тушиб кетаяптилар... қандайдир хавотир ва ёмон бир нарсани кутиш сезилаяпти», - деди у.



Гарчи кирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам қасос олиш истагида ёнмаётган бўлсалар-да, «таранглик сезилаяпти - улар бирбирларига ёвкараш билан, душманлик билан қарайптилар», - деди у.

Нуралиев қиши мутлақо осойишта давр, деб хавфсизликка эътибор бермай кўйиш мумкин эмаслигини айтаркан, ёнилғи ва уруғ етказиб бериш каби асосий иқтисодий муаммолар ҳал қилинмаган тақдирда, баҳорда «жануб яна портлаши мумкин»лигидан огоҳлантиради. Халқ норозилигидан ўз манфаатларини кўзлаган кўплаб кучлар - Бакиев тарафдорлари, исломий жангарилар, наркобизнес вакиллари фойдаланиб қолиши мумкин.

Мирсаидов расмийлар иқтисодни тиклашга уриниб кўришларини, бироқ солиқ имтиёзлари каби тадбирлар одамлар бу тадбирлар афзалликларидан фойдаланишлари учун вазият етарли даражада осойишталанганини ҳис килмагунларигача ёрдам бермаслигини айтди.

Ўшдаги унча катта бўлмаган дўкон соҳибаси Зумрад Танақова сиёсатшуносининг сўзларини тасдиқлади.

«Давлат 6 ойга одамларни ўз ҳолига қўйиб бериб, солиқлар йиғмади, бироқ аслида бу солиқларни тўлашнинг имкони ҳам йўқ эди, чунки қарийб ҳеч қайси жой ишламаяпти», - деди у.

Айни пайтда бошқа сўралганлар тикланиш ишлари ҳамда тартибсизликлар чоғида жабрланган оиласалар ва тадбиркорларнинг хукумат томонидан кўллаб-куватланаётгани туфайли фаровон келажак юзасидан некбинона ишонч хиссини уйғотади.

Бироқ ўзбеклар орасида тартибсизликнинг муҳтамал иштироқчилари устидан тергов ўтказаётган хукуқ-тартибот

ҚИРГИЗИСТОН

идоралари ва судларга нисбатан ишонч йўқ.

Юк машинаси ҳайдовчиси Ҳикматилло, агар фожеанинг ҳақиқий айбордлари адолатли судловга тортилиб, холис судланмас экан, ўзбеклар ва кирғизлар ўргасида тинчлик ва то тувлек бўлмаслигини айтади.



Бошқалар эса қирғиз тилини тарғиб қилиш бўйича кампания юзасидан хавотир билдирилар. Декабрь ойида Ўш вилоят губернатори Сўёрўнбай Жеенбеков маҳаллий давлат муассасасаларига барча хужжат ишларини мамлакат расмий тили ва ахолининг турли катламлари орасида миллатлараро мулокот тили бўлиб хисобланувчи рус тилида эмас, балки кирғиз тилида олиб бориш ҳақида бўйруқ берган.

Кирғизистон ҳукумати узок вактдан бери давлат тилидан фойдаланишни кенг ёйишга уриниб келади. Энди эса ташаббус кўтариб чиқилган вактнинг ўзи ўзбекларнинг сокин норозилигига сабаб бўлмоқда, улар бу кампанияянинг рамзийлиги ва ҳал қилиниши талаб қилинадиган бошқа кўплаб ишлар бор бўлган ҳозирги пайтда уни ўтказиш накадар зарурлиги ҳақида савол ташламокдалар.

Жануб олдида турган муаммоларга қарамай, Мирсаидов некбинликни бой берадигани йўқ.

«Кирғизлар ва ўзбеклар ўзаро келишиб олади, деган фикр бор. Бошқа томондан эса мен бу муносабатларга сиёсатни аралаштириб маслик керак, дегувчиларга қўшиламан», - деди у.

Анара Юсупова, - (Бишкеқдаги журналист тахаллуси) ва **Исомидин Аҳмаджонов,** - IWPR тренингларидан ўтган ўшлиқ журналист.

ЎШНИНГ МОЖАР СЎНГ ТИКЛАНИШ



ҚИРГИЗИСТОН ФОКУСДА


ОДАН ИИ



Фотосурат муаллифи:
Игор Коваленко

Фотосуратлар 2011
йилнинг январь ойида йиши
шахрида, 2010 йилнинг
июнь ойида соодир бўлган
фоъзегали воқеалардан 8
ої ўтиб олинган.

Фотогалерея www.iwpr.net сайтида чоп қилинган.



ТОЖИКИСТОН

ТОЖИКИСТОН НИКОҚ ҚУРИШ ТАРТИБИНИ МУРАККАБЛАШТИРМОҚДА

Тожикистон фукаролари ва чет элликлар ўртасидаги никоҳ куриш тартибини мураккаблаштиришни кўзда тутувчи қонунга киритилган ўзгартишлар Афғонистон ва Хитой фукароларининг ҳисоб-китоб асосида никоқ куришларига чек кўйиши керак.

Январь ойи охирида қабул қилинган ўзгартишларга мувофиқ, Тожикистон фукароси бўлган аёлга уйланишдан аввал чет эл фукароси мамлакатда бир йил яшаган бўлиши керак. Эр хотинига турар-жой олиб беришни ўз зиммасига олуви чиқиришдан олдинги шартномани имзолашга мажбур. Чет эл фукаролари мамлакатда беш йил яшагандан кейиннига турар-жой сотиб олиш ҳукуқига эга бўлгандар учун ундан олдин сотиб олинган турар-жой Тожикистон фукаросининг номига расмийлаштирилади.

Тожикистон учун миграциядан кўра эмиграция муаммоси долзарброк бўлгани боис, бир карашда, мамлакатда ўнашиб қолмоқчи бўлган чет элликлар билан никоҳ куришни таъкилашдан кўзланган мақсадни тушуниш кийин.

Шунга қарамай, эксперклар ўзгартишлар иккита конкрет гурӯҳ – афғонлар ва Хитойнинг Шинжон вилоятидан бўлган этник уйғурларга тегишли эканини айтмоқдалар. Улардан баъзилари Тожикистон фукаролигини олиш тартибини тезлаштиришга ҳаракат қилаётгандар борасида гумонлар бор, чунки улар Тожикистон фукароси бўлган аёлга уйланган тақдирларидан фукароликни беш йил ичидан эмас, балки уч йил давомида олишлари мумкин. Мамлакатда яшаш бизнес юритишни осонлаштиради, тожик паспорти эса собиқ Совет Иттифоқига кирган бошқа мамлакатлар, жумладан, Россияга визасиз кириш имконини яратади.

1 февраль куни Stan.tv орқали ўз чиқишида ўзгартишлар қабул қилинишини изоҳлаган адлия вазири ўринbosari Абдуманон Холиков: “Кўп чет элликларнинг никоқ куришдан мақсади оила куриш эмас, балки Тожикистон фукаролигини олиши осонлаштириш экани сир эмас”, деди.

Чет элликлар билан никоҳ кураётган тожикистонлик аёлларнинг кўпчилиги тили ва дини бир бўлган афғонистонлик ва эронликларга ёки факат дини бир бўлган покистонлик, туркиялик ва хитойлик уйғурларга турмушга чиқадилар.

Расмий статистика Тожикистонда сўнгги беш йил давомида чет эл фукаролари билан қайддан ўтказилган 2700 та никоҳнинг ҳар бешинчиси кейинчалик бекор қилинганини кўрсатади.

Ижтимоий мавзуларни ёритиб борадиган тожик журналисти Нуруфар Собир бу масалада заиф бўлган аёллар ва улар фарзандларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган қонунга киритилган ўзгартишларни олқишилади. “Сўнгги пайтларда хитойлик уйғурларнинг Тожикистонда қолиб ишлаш ва яшаш нияти борлигини кузатиши мумкин, - дейди у. – Бундай холатлар афғон эркакларида ҳам кузатилган”.

Улар кўпинча кам таъминланган аёлларга уйланишади, ўз бизнеслари ва мол-мулкларини уларнинг номига ёздиришади, дейди Собир. Сўнг бундай эркаклар тожик аёлларини ҳеч вақосиз қолдириб, ўз уйларига қайтишади.

Душанбелик Азиза онаси уни 35 ёшли афғонистонлик тадбиркорга турмушга берганида 18 ёшда эди.

Ўз никоҳларини давлат идораларида қайддан ўтказмай, мусулмончилик удумлари асосида турмушга чиқадиган кўплаб тожикистонлик аёллардан фарқли ўлароқ, Азиза турмушга расман чиқсан. Аммо кейин у эрининг яна иккита афғон хотини борлигини билиб қолган. Кейинчалик, эрининг вафотидан сўнг, Азиза эри барча мол-мулкини ҳозир Европада яшаётган биринчи хотинига қолдириб кетгани, Азизани эса уч фарзанди билан ҳеч вақосиз қолдирганини билиб қолган.

“Нота бене” жамоатчилик ташкилотининг раҳбари Нигина Баҳриева никоҳ куриш учун ҳукукий тўсиқларнинг киритилиши инсон ҳукуклари бўйича ҳалқаро конвенцияга зид келиши мумкинлиги юзасидан хавотир билдиради. У бундай ўзгартишлар аёлларни аввалги вазиятидан ҳам ёмонрок ахволга солиб кўйиши, чунки бунда эркаклар расмий никоҳ куриш кийинчиларини четлаб ўтиш мақсадида аёллар билан факат диний никоҳ куришга ўтиб кетишилари мумкинлиги хақида огохлантиради. Агар шундай бўлса, ажрашгандан кейин собиқ хотинлар ҳеч вақосиз қолиб кетадилар.

“Ҳеч қандай ҳукукий жавобгарликка эга бўлмаган бундай муносабат, аксинча, тожик аёлларини янада заифлаштиради ва уларнинг ижтимоий-ҳукукий мавқенини ёмонлаштиради”, - деди у.

Гендер тенглик ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш асоцациясининг ижрочи директори Алла Қуватова никоҳдан олдинги шартнома хусусан аёл киши томонидан ҳам бузиши мумкинлигини, аёл кўчмас мулк унинг номига ўтказилганидан сўнг эри билан ажрашиши мумкинлигини айтади.

Бошқа эксперларнинг сўзларига кўра, ўзгартишлар ушбу гурухнинг баъзи вакиллари ҳатти-ҳаракатлари туфайли чет элликлар билан курилаётган барча никоҳларга соя солиниши мумкин. Шахноза исмли аёл университетни битириб, ишлай бошлаганида ўз атрофидагилари учун “карикиз” бўлиб қолгани, шунинг учун афғон йигитига турмушга чиқиб, у билан Канадага кўчиб кетгани, у ерда эса иккита фарзанди билан баҳти ҳаёт кечираётганини айтади. Адлия вазири ўринbosari Холиков фикрича, қонун нияти самимий бўлган жуфтлар йўлида тўғанок бўлмайди.

Қатор ҳукуқ химоячилари чет элликлар билан курилаётган никоҳларга бўлган бундай ўтибор ҳукumat тириклик мақсадида хорижга чиқиб кетаётган ва ўша ерда қолиб кетаётган тожик эрлари томонидан ташлаб кетилган кўпчилик аёлларга ёрдам кўрсата олмаётганидан далолат бериниши айтадилар. Турли хисоб-китобларга кўра, Тожикистонни тарқ этган меҳнат мухожирларининг сони 800 мингдан 1 миллионгача бўлиб, уларнинг кўпчилиги Россияга кетмоқда. Ҳалқаро миграция ташкилотининг 2009 йили ташлаб кетилган аёлларнинг аянчли вазияти бўйича очиқлаган ҳисоботида чет элда ишлаётган эркакларнинг тахминан учдан бир қисми ўзлари ишлаётган мамлакатда қолиб кетиши келтирилган.

**Фаромарз Оламафуз ва Ясмин Хушбахт –
Тожикистондаги журналистларнинг тахаллуслари.**

ТОЖИКИСТОН ОБЪЕКТИВДА

АЁЛЛАРНИНГ ОҒИР ҚИСМАТИ



Фотосурат муаллифи: Дэвид Триллинг.

Фотосуратлар 2010 йили Тоҷикистонда олинган.

*Фотосуратлар IWPR нинг 2011 йил март ойида
Душанбеда оиласији зўравонлик мавзусига бағишланниб
ўтказилган минтақавий давра суҳбати доирасида
“Марказий Осиё аёллари. Оиласидаги зўравонлик.
Миграция. Қашиоқлик” номли кўргазмада намойиш
қилинган.*



ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН ҚАМОҚХОНАЛАРИДАГИ ТАҲҚИРЛАШЛАР

Мен Ўзбекистон бўйича “Ўзбек қамоқхоналаридағи таҳқирлашлар маҳбусларнинг руҳий касалланишлариға олиб келмокда” сарлавҳали мақолам устида ишлай бошганимда қийинчиликларга дуч келишим мумкинлигини тушунгандим, ахир гап ёник мамлакат ҳақида кетаётган эди.

Мен ҳуқук муҳофазаси мавзусида қатор материаллар ёзганидан сўнг мамлакатни тарқ этишига мажбур бўлган ўзбекистонлик журналист хамкасбимнинг огоҳлантиришларига қарамай, бу материални ёзишига қарор қилдим.

У менга кийноқлар мавзуси ўзбек расмийларининг ғашига тегадиган мавзулардан экани ва агар мен Ўзбекистондаги одамларга қўнғирок қилиб, расмий органлар билан боғлансан, кейинчалик бу мамлакатга киришимда катта мумкинлигини айтди. Мени “кора рўйхат”га киритиб, Ўзбекистонга боришимни таъқиқлаб қўйишлари мумкин экан. Шунингдек, журналист ҳамкасбим Ўзбекистон ҳудудида журналистлар ва ҳуқук фоллари ёнига наркотик моддалари ташлаб қўйишгани, сўнг эса хибсга олишгани тўғрисидаги воқеаларни айтиб берди.

Шунга қарамай, мен ўз кучимни синаб қўришга қарор қилдим. Қирғизистонда яшаб, хорижий оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти таъқиқланган Ўзбекистон ҳамда Туркманистондаги воқеаларни ёритиб борадиган IWPRнинг лойиҳасида ишлайдиган инсон сифатида мен бу мамлакатлар ҳақида материаллар тайёрлайдиган журналистлар дуч келиб турадиган қийинчиликлар тўғрисида биламан. Бу мамлакатлар ичидан маълумот олиш жуда кийин, расмийларнинг муносабатини билиш деярли амалга ошириб бўлмайдиган иш, маҳаллий аҳоли билан алокса қилиш эса хавфли.

Аммо мен учун бу ишдаги асосий муаммо маҳбусларнинг яқинлари билан сұхбатлашиш бўлди. Уларнинг қамоқдаги таҳқирлашлар тафсилотлари акс этган хикояларини эшитиш мен учун осон кечгани йўқ.

Ўз материалимда мен асосий эътиборни Ўзбекистон пенитенциар тизимида қийноқлар ва жисмоний зўравонликнинг бошқа усулларини қўллаш одатий ишга айланаб қолгани ва бу маҳбусларнинг руҳий касалланиш дараҷаси кескин ошишига олиб келаётганига қаратишга ҳаракат қилдим. Аёвсиз муносабат курбонларига ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрсатилмайди, улар ҳақидаги ҳар қандай маълумот сир сакланади.

Мен ўзбек ҳуқук фолларига қарашиб турли веб-сайтларни ўқиб чиққач, бу мавзуни ёритишига қарор қилдим. Франциядаги “Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари” асоциациясининг раҳбари Надежда Отаева билан бўлиб ўтган сұхбатдан сўнг мен жамоатчилик ўзбек қамоқхоналарида инсон ҳуқуқларининг бузилиши нечоғлик кенг тарқалгани ҳақида билиши кераклигига амин бўлдим.

Отаеванинг менга қамоқхоналарда маҳбусларга нисбатан қўлланилаётган зўрлашлар ва қийноқлар ҳақида уларнинг қариндошлари ёзган мактубларини ўқиш эса тадқиқотидаги кейинги қадам бўлди.

Қариндошларидан ахволидан ташвишга тушиб, умидсизланган кишилар ўз яқинларига бирор-бир ёрдам кўрсатиш максадида ҳуқук ҳимоячиларига мурожаат қиласидилар. Бошқа жойдан кўмак олишига деярли ишончи қолмаган бу кишилар ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари

маҳбусларнинг вазияти борасидаги жамоатчилик хабардорлигини оширишга ёрдам кўрсатишларига ва шундан кейин бирор нарса ўзгариб қолиши мумкинлигига умид қиласидилар.

Мен муаммонинг моҳиятини теранроқ тушуниб борганим сари руҳан қийнала бошладим, аммо журналист сифатида ишимни якунлаб, муштариғга объектив маълумотни етказиши ниятида эдим. Мен ўзимни кўлга олиб, ўзимни маҳбусларнинг қариндошлари билан сұхбатлашишга мажбурладим.

Ўзбекистондаги кишиларга қилган телефон қўнғироқларим, у хоҳ маҳбусларнинг қариндошлари, хоҳ юристлар ёки психотерапевтлар бўлсин - бир хил якун топарди. Мен ўзимни танишитириб, қаердан қўнғирок қилаётганимни айтишим билан олади телефон гўшагини кўйиб кўярдилар. Улар гапиришдан жуда чўчиб қолгандилар ва ўзларига бўлгани каби қамоқхонадаги қариндошларига нисбатан ҳам хавф туғилишидан кўркардилар.

Бунака вазиятда кўпчилик одамлар маҳфий хизматлар уларнинг телефонларини эшитиб турганлиги ёки кимдир уларни атайлаб «чалаётган» бўлиши мумкинлигидан шубҳаланадилар.

Шунга қарамай, мен эртаси куни ҳам уларга қўнғирок қилиб, уларга ёмонлик тиламаслигимга ишонтиришга ҳаракат қилдим.

Сұхбатдошларимдан бири қамоқхонадаги қариндошнинг ҳозирги вазияти ҳақида гапиришни истамади, унга аёлнинг айни пайтдаги ахволи ҳақида гапириш оғир ва кийин эди, у аёл ҳақида ўтган замонда, унинг аввал қандай бўлгани ҳақида гапиради. Бошқа бир сұхбатдошмнинг тиканли сим ортидаги қариндоши ҳаёти ҳақида гапириб бергандаридан эса, аксинча, баданим увушиб кетди ва мен ўз мақоламга бу тафсилотларнинг факат бир кисминигина кирита олдим.

Мен мавзу бўйича сўзлашиш учун ўзбекистонлик психотерапевт билан ҳам боғлангандим, у эса бу мавзуни мухомма қилишдан бош тортиди ва бунинг ўрнига менинг ким эканлигим, қаерда эканлигим ва бу мақолани нима учун ёзаётганимни суриштира бошлади.

Менинг Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан боғланнишга қилган урунишларим ҳам самара бермади. Котиба мендан ўзим ҳақимдаги маълумотларни қолдиришни ва ёзма талабнома юборишини сўради. Ўзбекистонлик ҳамкасларим менга бунинг журналистларнинг талабномаси бўйича бериладиган одатий жавоб эканини айтишди. Расмийлар жавоб беришни истамаётгандарини очик айтишмайди, аммо ёзма талабномага ҳам жавоб қайтаришмайди.

Ўзбекистонда дастлабки хибсга олиш ва пенитенциар тизимида қийноқлар қўлланиши ҳақида умуман олганда кўп йиллардан бўён ёзиг келинади.

Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон ҳукумати ва-кили ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари чишишларини тинглагач, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комитети бу мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни тартибга солиши бўйича қатор тавсияларни эълон қиласидилар. Жумладан, комитет ҳукуматни қийноқлар ва аёвсиз муносабатни тўхтатишга қаратилган кескин чоралар кўришга; бундай ҳодисаларни кузатиб бориш ва текширишга, конунбузларни судга тортиш ва жазолашга, қийноқлар

ЎЗБЕКИСТОН

ва аёвсиз муносабат курбонларига эса товон пули тўлашга чақири.


Гарчи мен хеч қачон Ўзбекистонда бўлмаган бўлсамда, уни хушмуомала ва меҳмондўст кишилар истиқомат киладиган, хуш исли палов ва ширин оби нони бор жуда чиройли ва сирли мамлакат, дея тасаввур қилганман. Аммо эндиликда хар сафар Ўзбекистонни эслаганимда менинг хотирамда яқинлари зах ва совук камоқхона камералари-

да зўравонлик, ғайриинсоний муносабату қийноқлардан ўлаётганидан азоблаётган аёл ва эркаклар саси сизиб чикаверади.

Юлия Горяйнова, IWRNинг Туркманистон ва Ўзбекистон бўйича Бишкекдаги мухаррири.

ЎЗБЕКИСТОН ОБЪЕКТИВДА

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕҲРАЛАРИ



Фотосурат муаллифлари:
Андрей Кудряшов ва
Умид Аҳмедова.



ТУРКМАНИСТОН

“ИСЛОХОТЛАР ЎТКАЗИЛГАН” ТУРКМАНИСТОНДАГИ ҚЎРҚУВ ВА ҚАТАГОНЛАР



Туркманистоннинг халқаро ҳамжамият олдида ўзгарган мамлакат сифатида кўрсатишига уринишига қарамай, у ерда яшайдиган одамларнинг айтишларича, мамлакатдаги мухит аввалгидек репрессивлигича қолмоқда.

Хукуматга нисбатан ноҳайриҳоҳлик дея баҳоланиши мумкин бўлган ҳар бир харакат учун жазоланишдан кўркиш ёмон муносабатга итоаткорона бўйсуниб яшаладиган сукут мухитини яратди.

2007 йили президент Сапармурот Ниёзов ўрнига келган Курбонқули Бердимуҳаммедов ўзининг салафи танлаган тараққиёт йўлни тубдан ислоҳ килишини ваъда килганди.

Бердимуҳаммедов соғликни саклаш, тъзлим ва маданият соҳаларига Ниёзов ташаббусига кўра киритилган чекловчи ва баъзан ғайриоддий бўлган катор киритмаларни қайта жорий қилди. Бирок бошқа соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш бўйича ишоралар сиёсий партиялар фаолиятига рухсат беришдек ваъдалар каби аслида хаётга татбиқ килиниш учун эмас, балки халқаро ҳамжамиятда яхши таассурот колдириш максадида килинган ишоралар бўлиб қолаверди.

Туркманистон худди Ниёзов пайтида бўлгани каби мустакил оммавий ахборот воситалари бўлмаган бир партиялик полиция давлатилигича қолмоқда. У ерда маҳфий хизматлар барча ишларга аралашадилар, телефон сұхбатларни эшитиш, интернет-трафикни мониторинг қилиш билан шуғулланадилар, уларда шубҳа уйғотган кишиларга мамлакатдан ташкарига чиқиши маън киласидилар ва мамлакатдаги турмуш юзасидан бирор-бир норозилик билдирган ҳар бир кишини кўркитадилар.

Фаол диссидентлар ва муҳолифат тарафдорлари кўп ийлардан бери ё қамоқдалар, ё чет элга чиқиб кетгандилар, шунинг учун босим уларнинг яқинларига, жумладан, Ниёзов буйруғига кўра хукумат аъзолари орасида ўтказилиб турилган доимий “тозалаш” пайтида хуш келмай қолган амалдорларнинг оила аъзоларига нисбатан ҳам ўтказилади.

“Биз (бу) президент аввалисига нисбатан инсонийрок бўлади, қатағонлар ва кўрқув йўқолади, деб ўйлагандик, аммо буларнинг ҳеч бири рўёбга чикмади”, - деди ашҳободлик журналист.

ТУРКМАНИСТОН

“Биз уй телефонимиз орқали гапиришдан кўрқамиз, чунки кўп одамлар айнан уй телефони орқали ортиқча гапириб қўйгани учун қамоқда ўтирибди”, - деда қўшимча қилди у.

Ашҳободлик кекса бир аёл Украинадаги қариндошлари билан телефон орқали сұхбатда нархларнинг кўтариlgани



юзасидан шикоят килганидан икки кун ўтиб, уни Миллий хавфсизлик вазирлигига чакиришганини айтиб берди. Вазирлик ходими ҳаритада Африка китъасини кўрсатиб: “Бу ерда ҳеч нарса йўқ, бизда эса ҳамма нарса бор, тушундингизми?” дегач, аёл кечирим сўраб, кутилиб кетишга муваффақ бўлган.

Расмийларнинг норозилигини келтириб чиқариш учун кўп нарса керак эмас.

Мамлакат ғарбида жойлашган Болқонобод шахрида яшовчи киши ортиқча ишлаган куни учун таътил берни ёки ҳак тўлашини сўраганидан кейин ўзи ва хотини ишидан айрилганини гапириб берди.

“Раҳбарият хотинимга: “Бориб, эрингга айт, ҳадеб ҳак-хуқуқларини талаб қилавермасин, акс ҳолда, ҳаммангизни қамокка тиқамиз”, дебди, - деда у. - Оқибатда хотиним билан иккимиз ишсиз ўтирибмиз”.

Мамлакат шарқидаги Ўзбекистон билан чегарада жойлашган Туркманибод шахрида яшовчи киши ҳозир одамлар “айтилган ҳар бир ножёя сўз ёки “бошқачарок” фикрни билдирганлик” учун таъкиб қилинишдан чўчуб яшайдиган бўлиб қолганини айтади.

Бунака кўркув мухитида одамлар ўзларини қандайдир миллӣ байрамда тўп-тўп бўлиб иштирок этиш, кўчаларни текинга тозалаш ёки биринчи даражали иш ҳисобланмиш пахта экиш ва териш ишларида қатнашишга мажбурласаларда, бунга бўйсиниб, оғизларига эрк бермасликка ҳаракат киладилар. Мамлакатда хукумат лойиҳаларини кўллаб-куватлаш учун “ихтиёрий равишида” пул йиғиб турилади ёки одамларни давлат газеталарига оммавий тарзда ёзилишга мажбур қилишади.

“Ҳамма бу ўзбошимчаликларга чидаб келаяпти, зоро, бўйсунмаслик салбий оқибатларга олиб келишини билишади”, - деди мамлакат шимолидаги Тошховуз вилоятидаги Кўняургенч шаҳрида истиқомат қилувчи киши.

Таҳдилчилар фикрича, Бердимуҳаммедов ҳокимият тепасига келганидан сўнг Туркманистондан ташқарига чиқиши маън қилинган фуқаролар “кора рўйхати” анча кенгайди.

“Хозир унга туркманистонлик 18 минг фуқаро фамилиялари киритилган”, - деди Нидерландияда жойлашган Туркманистон мустакил адвокатлари ассоциацияси раиси Тимур Мисриханов. У Бердимуҳаммедов ҳокимият тепасига келгач, бу рўйхат икки баробар узайганини таъкидлаб ўтди.

“Кора рўйхат” мавжудлиги ни тасдиқлаши мумкин бўлган Туркманистон миграция хизмати ходими ортиқча қизиқувчанлик билдирганлик учун ишидан айрилиб қолиши мумкинлигини маълум қилди.

Ўзини Анна деда таништирган ашҳободлик аёл 2006 йили Россиядаги қариндошларини кишига отланадётган пайтда “кора рўйхат”га киритилганини, ўша йили унинг акаси ҳам қўлга олинганини айтди.

Хуқук-тартибот органлари ва миграция хизмати унинг мамлакат хо-рижига чиқиши юзасидан таъкиб бекор қилинмаслиги ва уларга бошқа мурожаат қилмаслик лозимлигини айтишган. “Менинг масалам эътиборни жалб қилиб қолса, менга ва яқинларимга нисбатан қатағонлар бошланиб кетиши мумкин”, - деда изоҳ берди у.

Кўпинчча кишилар керакли хужжатларни олиш пайтида турли тўсикларга дуч келмагунларигача ёки аэропортда че-



гара назоратидан ўтиш пайтида уларни тўхтатмагунларигача, ўзларининг “кора рўйхат”га киритилгандарини билмасликлари ҳам мумкин.

Бунинг сабаблари тушунарсиз. 2009 йили Қирғизистонда таҳсил олаётган туркманистонлик талабаларга ёзги таътилдан сўнг ўқишига қайтишга руҳсат берилмади.

“Ёшларнинг бир кисми ҳалигача мамлакатдан чиқиши маън қилинганлар рўйхатидаги колмоқда”, - деди ўғлини хорижга ўқишига жўнатиш ниятида бўлган, аммо кейин бу

каоридан қайтган Туркманбодда яшовчи киши.

Январь ойида президент Бердимухаммедов чегара назоратини янада кучайтириб, миграция хизматининг ролини мустаҳкамловчи қарор чикарди. Бу президентнинг сентябрь ойида берган баёнатидан сўнг амалга оширилди. Унда Бердимухаммедов ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини “хуқуқий демократик ва дунёвий” давлат бўлмиш Туркманистонга тухмат килаётганларга қарши курашишга чақирганди.

Сўралган таҳлилчилардан бири барча танқидлар бостирилганини айта туриб, келажакка ишончсизлик билан карашини таъкидлади.

“Расмийлар хокимиёт тепасида узокроқ муддат хотиржам ўтириш учун ҳалкни жиловда тутишда ва бош кўтарганиларни йўқ қилишда давом этишади”, - деди у.

Ашхободда қолган оз сонли фоллардан бири бунинг оқибатида ташабbusлар бостирилиб, мамлакат ривожланишдан тўхтаб қолганини айтади.

“Махфий хизматлар ўз кучлари ни энг ёмон томондан кўрсатмоқдалар, - деди у – Хар бир фукаро улар учун эҳтимолий конунбузардир. Бу уларда янада кўпроқ қатагон килиш истагиги ни уйготади, оддий одамлarda эса бу факат тушкунлик хиссини туғдиради, холос”.

Умар Салжук, Туркманистондаги журналистнинг тахаллуси.


Инга Сикорская, – IWPРнинг Туркманистон ва Ўзбекистон бўйича катта муҳаррири.

ТУРКМАНИСТОН



АШХОБОД МАНЗАРАЛАРИ

Н ТАСВИРЛАРДА



Фотосуратлар Туркменистан
пойтахтида 2007, 2009, 2011
йылларда олинган

ЛОЙИХА УСТИДА ИШЛАГАНЛАР



Абахон Султонназаров,
*IWPRning Марказий
Осиё бўйича минтақавий
директори*



Жон МакЛеод,
*IWPRning Лондондаги
катта мұхаррири*



Сауле Мухаметрахимова,
*Лондондаги Марказий Осиё
бўйича мұхаррир*



Айтўлекин Курманова,
*IWPRning Қозогистондаги
ваколатхонаси директори*



Эрлан Абдилдаев,
*IWPRning Қирғизистондаги
ваколатхонаси директори*



Абдумалик Қодиров,
*IWPRning Тоҷикистондаги
ваколатхонаси директори*



Дина Тўқбаева,
*IWPRning Бишкекда ишловчи
Марказий Осиё бўйича
минтақавий мұхаррири*



Лола Олимова,
*IWPRning Тоҷикистон
бўйича мұхаррири*



Инга Сикорская,
*IWPRning Ўзбекистон
ва Туркманистон бўйича
катта мұхаррири*



Юлия Горяйнова,
*IWPRning Ўзбекистон
ва Туркманистон бўйича
мұхаррири*



Алмаз Рисалиев,
*IWPRning Қозогистон
бўйича мұхаррири*



Эмир Кулов,
*IWPRning Қирғизистон
бўйича мұхаррири*



Парвина Ҳамидова,
*Европа Иттифоқининг Тоҷикистон
бўйича лойиҳаси 2009-2010
йиллардаги мұхаррири*



Нурлан Абдалиев,
*IWPRning Қирғизистондаги
радио мұхаррири*



Шаҳодат Саибназарова,
*IWPRning Тоҷикистондаги
радио мұхаррири*



Қаарманбек Күлуев,
*IWPRning Қирғизистондаги
2009-2010 йиллардаги радио
мұхаррири*



Зобо Тоҷибоева,
*IWPRning Тоҷикистондаги
2009-2010 йиллардаги радио
мұхаррири*



Дилафрӯз Назарова,
*IWPR Тоҷикистондаги
ваколатхонасасининг 2010
йилдаги директори*



Ольга Дусибайева,
*IWPR Қозогистондаги
ваколатхонасасининг 2009-2010
йиллардаги директори*



Айгул Бўлўтова,
*Европа Иттифоқининг Марказий
Осиё бўйича лойиҳаси 2009-2010
йиллардаги координатори*



Адил Жалилов,
*Европа Иттифоқининг Марказий
Осиё бўйича лойиҳаси 2009-2010
йиллардаги минтақавий мұхаррири*

ЛОЙИХА ИШТИРОКЧИЛАРИ



IWPR Central Asia лойиҳа давомида бизга ёрдам берган, шу жумладан, ушбу бюллетенни тайёrlашда кўмаклашган кишиларга миннатдорчилик билдиради:

“I-media” компанияси (Кирғизистон); “VRS” компанияси (Кирғизистон); Инфографика бўйича мутахассис Наталья Кожевникова; тасвирчи-монтажчи Фаромуз Мўминжонов (Тоҷикистон); видеомухарир Антон Слонь (Кирғизистон); тасвирчи-монтажчи Темур Укушев (Қозогистон); фотосуратчи Баҳридин Исамутдинов (Тоҷикистон); фотосуратчи Валерий Калиев (Қозогистон); фотосуратчи Игорь Коваленко (Кирғизистон); фотосуратчи Вячеслав Оседенко (Кирғизистон); фотосуратчи Рустам Йўлдошев (Тоҷикистон); фотосуратчи Елена Скочило (Кирғизистон); фотосуратчи Нурлан Абдалиев (Кирғизистон); фотосуратчи Серик Ковланбаев (Қозогистон); фотосуратчи Дэвид Триллинг (АҚШ); фотосуратчи Зарина Хушвақт (Тоҷикистон); фотосуратчи Влад Ушаков (Кирғизистон); фотосуратчи Рауль Упоров (Қозогистон); фотосуратчи Алтинаи Мирзабекова (Кирғизистон); мусаххих Бақит Дијқанов (Кирғизистон); таржимонлар Алмазқан Ақматова ва Салтанат Шабданалиева (Кирғизистон); таржимон Динмуҳамет Зиядин (Қозогистон); таржимонлар Зебо Ражабова, Фаҳридин Холбек ва Жовид Муқим (Тоҷикистон), карикатурачи Нурбек Насирланбеков (Кирғизистон).

Алоқа учун маълумот:

Institute for war & peace reporting

48 Gray’s Inn Road
London, WC1X 8LT, UK
Tel: (44 20) 7831 1030
Fax: (44 20) 7831 1050
Web: www.iwpr.net
E-mail: info@iwpr.net

IWPRнинг Қирғизистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қирғизистон Республикаси,
Бишкек шаҳри, 720017
Тўғулўқ Мўлдў кўчаси, 18-2
Тел: + 996 312 66 44 53, 61 38 70
Факс: + 996 312 61 38 70
E-mail: iwpr.kyrgyz@iwpr.net

IWPRнинг Қозогистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қозогистон Республикаси,
Олмаота шаҳри, 050000
Қазибек би кўчаси, 50
2-кават, 84-офис
Тел.: +7 727 272 59 03, 272 64 21, 272 68 90
E-mail: iwpr.kazakhstan@iwpr.net

IWPRнинг Тоҷикистон Республикасидаги ваколатхонаси

Тоҷикистон Республикаси,
Душанбе шаҳри, 734003
Рудакий шоҳ кўчаси, 137 “Тоҷикматлубот”, 6-қават
Тел.: + 992 372 247026
Тел./Факс: +992 372 247051
E-mail: iwpr.tajikistan@iwpr.net



INSTITUTE FOR WAR & PEACE REPORTING

Institute for war & peace reporting

48 Gray's Inn Road
London, WC1X 8LT, UK
Tel: (44 20) 7831 1030
Fax: (44 20) 7831 1050
Web: www.iwpr.net
E-mail: info@iwpr.net



IWPRнинг Қирғизистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қирғизистон Республикаси,
Бишкек шаҳри, 720017
Түгүлүк Мүлдү күчаси, 18-2
Тел: + 996 312 66 44 53, 61 38 70
Факс: + 996 312 61 38 70
E-mail: iwpr.kyrgyz@iwpr.net



IWPRнинг Қозоғистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қозоғистон Республикаси,
Олмаота шаҳри, 050000
Қазибек би күчаси, 50
2-қават, 84-офис
Тел.: +7 727 272 59 03, 272 64 21, 272 68 90
E-mail: iwpr.kazakhstan@iwpr.net



IWPRнинг Тожикистон Республикасидаги ваколатхонаси

Тожикистон Республикаси,
Душанбе шаҳри, 734003
Рудакий шоҳ күчаси, 137 “Тожикматлубот”,
6-қават
Тел.: + 992 372 247026
Тел./Факс: +992 372 247051
E-mail: iwpr.tajikistan@iwpr.net

IWPR Европа Иттифоқи мамлакатлари қарашларини мутлақо акс эттирмайдиган мазкур нашр мазмуни учун жавобгарликни тұла үз зиммасига олади.